



## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



23 февраль куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси иш бошлади. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қатнашмоқда. Унда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Холид Малик, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги эл-чихоналарининг раҳбарлари ва ваколатхоналарининг вакиллари иштирок этмоқда.

Сессиянинг биринчи мажлисини Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. Аҳмедов очди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳияси ижро этилади.

Депутатлар Олий Мажлисининг Мандат комиссияси ва унинг раисини сайлайдилар.

Қисқа танаффусдан кейин Олий Мажлис депутатлари ваколатларининг тан олинганлиги тўғрисида Мандат комиссиясининг раиси, депутат Ш. Мирзиёев маъруза қилди.

Депутатлар сессия котибияти ҳамда "Рада-мажлис" овоз бериш тизимининг ишини назорат этувчи гуруҳни туздилар.

Шундан кейин парламент Олий Мажлис раҳбариятини сайлашга киришди. Вакиллар йиғилишининг илтимосига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлис Раиси ва Раис ўринбосарлари лавозимига номзодлар бўйича таклиф киритди.

Депутат Эркин Халилов Олий Мажлис Раиси этиб, депутатлар Уббиниез Аширбеков, Борис Бугров, Бўритош Шодиева, Акмалжон Қосимов Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар.

Шундан кейин сессияда Эркин Халилов

Раислик қилди.

Сессияда Президент Ислон Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида катта маъруза қилди. Маъруза сессиянинг барча қатнашчилари ва чет эллик меҳмонлар томонидан зўр эътибор ва қизиқиш билан тингланди.

Танаффусдан кейин депутатлар парламентнинг муваққат иш тартибини қабул қилдилар, Олий Мажлисининг қўмиталари тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чикдилар, уларнинг раисларини сайладилар. Академик Ш. Ўразаев Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили этиб сайланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг янги парламенти ўз ишини давом эттирмоқда.

### ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• ИЛГАРИ хабар қилганимиздек Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз расмий делегацияси давлат таширфи билан Корея Республикасида бўлди. Таширфининг биринчи куни Сеулда Президентимиз Ислон Каримовга Кореянинг энг олий нишони — "Мугунхва" катта орденини топириш маросими билан бошланди. Орденини Корея Республикаси Президенти Ким Ен

Сам Ислон Каримовга тантанали равишда топширди.

Орденини топириш маросимидан сўнг икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Музокараларда Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Сафар давомида Ўзбекистон раҳбари Корея Республикаси миллий мажлиси Раиси Хванг Пак Жун ҳамда мамлакат сиёсий партиялари раҳбарлари ва бошқалар билан учрашди. Ушбу таширф ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч, тенглик ва манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигини

кўрсатди.

• ТОШКЕНТда яна бир янги сиёсий партия — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг таъсис қурултои бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлардан сайланган 185 нафар делегат қатнашди. Таъсис қурултои партиянинг Низоми ва Дастурини тасдиқлади.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислон Каримов уруш йилларида асирга тушган ва дом-дараксиз кетганлар бўйича Америка-Россия комиссиясининг ҳамраиси Мэлколм Тун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида уруш йиллари ва 1950-1960 йиллари дом-дараксиз

кетган америкалик ҳарбий хизматчилар тақдири ҳақида ҳамжиҳатликда маълумот тўплаш масалалари муҳокама қилинди.

• ИККИ томон ўртасидаги келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси билан Хорватия Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Валюта биржасида бўлиб ўтган савдода бир АҚШ долларининг қиймати — 25 сўм даражасида қайд этилди. Махсус пул алмаштириш пунктларида 1 АҚШ долларини сотиб олиш қиймати — 25,00 сўм. 1 АҚШ долларини сотиш қиймати ҳам 25,00 сўм қилиб белгиланди. Барча хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

### ТАШКИЛИЙ МАСАЛА

Тошкент вилояти қасаба уюшмалари кенгашининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Унда Д. Жаҳонгирова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси ва раёсат аъзосидан озод этилди. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари бўлиб ишлаб келган М. Тўлаганова Тошкент вилояти қасаба уюшмалари кенгаши раиси ва раёсат аъзоси этиб сайланди.

Мажлис ишида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Х. Жамолов, Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев қатнашдилар.

Б. ПҮЛАТОВ.



## Ўзбекистон касабаси уюшмалари 70 йиллиги ва XV Курултойи олдидан

### КАСАБА УЮШМАСИ ЙИЛНОМАСИДАН

1982 йил 4-5 ФЕВРАЛЬ. Тошкентда Ўзбекистон касабаси уюшмалари XII курултойи бўлиб ўтди.

10 ДЕКАБРЬ. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида маданий-оқартув муассасалари ишини такомиллаштиришда келгусида қилинадиган вазифалар муҳокама қилинди.

1983 йил 26 ИЮЛЬ. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Кенгашининг таклифига биноан пионер лагерларида дам олуш учун Афғонистондан болаларнинг дастлабки бир гуруҳи Тошкентга келди.

1984 йил 25 МАЙ. Тошкентда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Кенгаши ва республика комсомол Марказий Қўмитасининг қўшма мажлиси бўлди. Унда мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш масаласи кўрилди.

ДЕКАБРЬ. Бу пайтга келиб Ўзбекистон касабаси уюшмалари сафларида 6.383.626 аъзо бўлиб, улар 3741 бошланғич ташкилотга бирлашган эдилар.

1985 йил 7 ФЕВРАЛЬ. Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Кенгашининг йиғилиши "Меҳнат жамоалари ва корхоналар, муассасалар, ташкилотларга раҳбарликда уларнинг ролини ошириш тўғрисида"ги қарор асосида меҳнаткашларни ишлаб чиқаришга жалб қилишда касабаси уюшмалари ташкилотлари олдига турган вазифаларга бағишланди.

27 МАЙ. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Кенгашининг Ўзбекистон касабаси уюшмалари 60 йиллигига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

28 ДЕКАБРЬ. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Кенгашининг Машина-созлик корхоналари ишчиларининг ишлаб чиқаришдаги ва маиший шароитларини яхшилашда касабаси уюшмалари олдига турган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

1986 йил 1 ЯНВАРЬ. Ўзбекистон касабаси уюшмалари бу пайтда ўз сафларида 6.533.325 аъзони бирлаштирган эди.

1987 йил 23-24 ЯНВАРЬ. Тошкентда касабаси уюшмалари XIII курултойи бўлиб ўтди.

ФЕВРАЛЬ. Тошкентда Осиё ва Океания мамлакатлари ўрмон хўжалиги ва ўрмончилик саноати касабаси уюшмалари меҳнаткашларининг "Осиё ва Океания ўрмон хўжалиги ва ўрмончилик саноати меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий талабларини қондиришда, ўрмон уюшмаларининг кураши" мавзuida халқаро минтақавий семинар бўлиб ўтди.

1988 йил 9 ЯНВАРЬ. Тошкентда касабаси уюшмалари кўнгилли физкультура жамиятларининг биринчи курултойи бўлиб ўтди. Курултойда "1988-1989 ва 2000 йилгача Ўзбекистон касабаси уюшмаларида физкультура-сўғломлаштириш ва оммавий-спорт ишларини ривожлантириш дастури кўриб чиқилди.

1989 йил АВГУСТ. Москвада касабаси уюшмалари Бутуниттифок биринчи спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги барча вилоятларнинг касабаси уюшмаларидан 25 спорт жамоаси қатнашди. Олмалик кон-металлургия комбинатининг эркаклар волейбол жамоаси спартакиадада биринчи ўринни эгаллади.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш шу куннинг долзарб масалаларидан бўлиб қолди. Ана шу мақсадда ўтган йил бошида вилоят ҳокимлиги билан вилоят касабаси уюшмалари кенгаши ўзаро битим тузган эди. Мазкур битимни бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Вилоят аҳолиси 736 мингдан кўпроқ кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 102 фоизга ўсди. Битимда қайд этилганидек, вилоятимиздаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга, ўзгалар парваришига, муҳтож қарияларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга, нафақа олувчиларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят давлат муассасалари ходимлари касабаси уюшма қўмитаси Қизилтепа тумани "Тошробод" кўрғони болалар уйи тарбияланувчиларининг 3 нафарига, Кармана шаҳар болалар уйидаги тарбияланувчилардан 18 нафарига жамғарма банкда алоҳида ҳисоб очди.

Вилоят деҳқончилик мажмуи ходимлари касабаси уюшмалари қўмитаси 11289 нафар кам даромадли оилаларга, 2189 нафар уруш қатнашчиларига, 6 мингга яқин ногиронларга, 8 мингдан кўпроқ ишга яроқсиз фуқароларга, 200 га яқин етим болаларга, 13 мингдан зиёд кўп болали оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Учқудук, Томди, Конимех, Нурота туманлари чорвадорлари оиласига Ҳавойи тоғ-металлургия комбинати касабаси уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда шакар, ун, сариёғ сингари озиқ-овқат махсулотлари, киши киём-кечаклар бепул инъом этилди.

Вилоят маориф ва фан ходимлари касабаси уюшма қўмитаси шаҳар, туман ҳокимликлари ташаббуслари билан Навоий шаҳар ва Нурота тумани мактаб ўқитувчиларига шаҳар ва туманлардаги автобуслардан маҳаллий бюджет ҳисобидан бепул фойдаланиш ташкил этилди.

Зарафшон, Учқудук шаҳарларидаги ўқитувчилар эса тоғ-металлургия комбинати ҳисобидан бепул тушлик билан таъминланмоқдалар. Зарафшон шаҳри ўқитувчилари

шаҳар ҳокимининг қарорига биноан 100 фоиз коммунал хизмати тўловидан озод бўлдилар.

Автомобиль транспорти ва йўл қурилиши тармоқ ходимлари касабаси уюшмалари вилоят қўмитаси ҳам шу каби ижтимоий ҳимоя мақсадлари учун йил давомида 18 минг сўмдан зиёд адресли моддий ёрдам пули ажратдилар.

Битимга асосан меҳнаткашларнинг 15 мингдан зиёд фарзандлари ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқардилар. Вилоят ижтимоий таъминоти бошқармаси ташаббуси билан Хатирчи туманида қайта таъмирланган "Учқора болалар оромгоҳи" вилоятдаги ногирон болалар ихтиёрига берилган.

Президентимиз И.Каримовнинг халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясидаги нутқида билдирилган таниқидий фикр - мулоҳазаларидан маълум бўлдики, вилоятда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича ҳам камчиликларимиз кўп экан. Бу касабаси уюшмалари қўмиталари ўз фаолиятларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Шартнома лойиҳалари енг учиди эмас, бўлим, қўйи бошланғич касабаси уюшма қўмиталарида ҳар томонлама муҳокама этилгач, фикр ва таклифлар асосида корхона, муассаса ва ташкилот касабаси уюшмалари қўмиталари конференциялари муҳокамасига қўйилиши керак.

Вилоят Касабаси уюшмалари кенгаши вилоят ҳокимлиги билан тузган бу йилги битим лойиҳасида Президентимизнинг вилоятимиздаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасидаги танқидий фикрлари ўз аксини топган.

Бугунги асосий вазифамиз меҳнаткашларнинг ҳар томонлама ҳимоялашини таъминлаб, Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг XV курултойи ва Республика касабаси уюшмаларининг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилгандир.

Й.ШОДМОНОВ,

Навоий вилояти касабаси уюшмалари кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири.

## МУАММО ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Бухоро вилояти касабаси уюшмалари кенгашининг кенгайтирилган йиғинида бир муҳим масала муҳокама этилди. У ҳам бўлса "Бухоро вилоятпахтатаяёрлашмаишийсаноат" трести бошқарувчиси Р. Отақуловнинг жамоа хўжаликлари, кишлоқ хўжалиги ва бошқа ташкилотларнинг меҳнат аҳли билан боғлиқ ишлар тўғрисидаги ахбороти муҳокамасидан иборат эди. Бошқарувчининг ҳисоботидан маълум бўлишча, трест вилоят деҳқонларидан 197 миллион сўм қарздор бўлиб қолган. Натижада кўпчилик хўжаликлар меҳнат жамоалари бир неча ойлаб меҳнат ҳақи олишолмади. Уларнинг аксарияти кўп болали оила бошлиқлари эканликлари ҳисобга олинса, турмуш аҳволлари энгил кечмаётганини англаш қийин эмас.

Вилоят касабаси уюшмалари кенгаши раиси Ш. Хайруллаев, агросаноат комплекси ходимлари касабаси уюшмаси раиси Ю. Қурбонов ва бошқа сўзга чиққан раёсат аъзолари халқ турмушини яхшилаш борасида жон қуйдиримаётган, ўз бурчларини адо этишга лоқайд қаратган айрим раҳбарларнинг фаолиятини қаттиқ танқид қилиб чиқдилар. Айниқса, "Вилоятпахтатаяёрлашмаишийсаноат" трести ва вилоят банклари бу борада ниҳоятда суст ишлайётганлиги туфайли кўпчиликнинг дашномига учрадилар. Улар ўз бурчларига замон талабига жавоб берадиган даражада ендюшмаётганликларидан ташқари ҳудудларда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда фаоллик кўрсатмаётганликлари билан келишиб бўлмади.

Юқоридаги масала муҳокамасида иштирок этган вилоят ҳокими ўринбосари К. Маҳмудов амалга оширилган иқтисодий ислохотлар муваффақияти шу жараёнда иштирок этаётган барча бўғин раҳбарларни масъулияти, ташаббускорлигига, ўз ишига юксак садокатига боғлиқ эканлигини таъкидлади. Юзага келган мураккабликни тезда бартараф этиш бўйича махсус қарор қабул қилинди.

"Ишонч" мухбири.



Яқинда жамоатчи мухбири-миз Украина республикасининг Евпаторий шаҳрида МДХ мамлакатлари темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаларининг Халқаро Конференцияси Кенгашининг IX анжуманида қатнашган Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси Абдулхай Абдурахмонов билан мулоқотда бўлди.

— Абдулхай ака, ушбу анжуман тўғрисида, ундан олган таассуротларингиз ҳақида гапириб берсангиз. Анжуманда асосан қандай масалалар муҳокама қилинди?

— Собик Иттифок тарқаб кетиши билан касабаси уюшмаларида ҳам бўлиниш юз берган эди. Касабаси уюшмаларининг Бутуниттифок Конференцияси ҳамда мустакил давлатларнинг Федерациялар Кенгаши ўзларича иш олиб бора бошлашди. Бунга йўл қўймаслик ва касабаси уюшмаларининг бир-бирларига яқинлаштириш учун МДХ темирйўл ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаларининг Халқаро Конференцияси тузилиб, фаолият кўрсата бошлади. Юқоридаги икки ташкилот ҳам ҳозир унга аъзо бўлиб кирган. Давлатлар мустакил бўлгани билан темирйўлда баъзи бир нарсаларни ҳисобга олишга тўғри келади. Мисол учун поездлар жадвали умумий марказ орқали бошқарилади. Биздан Москвага қатнайдиган поездни улардаги умумий жадвалга киритилади. Биз у поездларни ўзимиз истаган вақтда юбора олмаймиз.

Бундай йиғинларда эса темирйўлдаги мавжуд аҳволлар ўрганилади. Ҳозирги аҳвол эса ҳавас қилидиган даражада эмас. Шу кунларда МДХ ҳудудида 1,5 млн. вагон бўлиб, ундан 70-80 минг бўш турарди. Бу эса оdatдаги метёрий бир ҳол ҳисобланарди. Ҳозирга келиб эса бўш турган вагонлар сон 350 мингга етди. Бу салбий кўриниш аввало вагон тақчиллигини келтириб чиқаради, кейин йўлларни банд қилиб поездлар

ҳаракатини пасайтиради. Бундан эса яна кўлаб муаммолар келиб чиқади. Бизнинг "Ўзбекистон темирйўллари" Давлат-акционерлик компаниясида бундай вагонлар 12 мингга ташкил этади. Шунингдек, янги вагонлар олиш 3-4 мартага, янги тепловозлар олиш 10 мартага қамайиб кетган. Темирйўлнинг йўл ҳўжалигида ҳам, бошқа хизматларида ҳам аҳвол шунақа.

Шунинг учун МДХ мамлакатлари темирйўл раҳбарларининг учрашувларида Давлат раҳбарларига, Парламентларига темирйўлга давлат мадади берилиши тўғрисида мурожаат қилинди. Ҳар бир мамлакат ўз давлат дастурида темирйўлга мадад тўғрисида ҳам ўз режасига эга

ҳосил ҳақида батафсилроқ айтиб берсангиз.

— Маъқул. 1995 йилги касабаси уюшмаси ва темирйўл раҳбарияти билан тузилган битим темирйўлнинг 1994 йил охирида иқтисодий оғир бир вазиятга тушиб қолган пайтда тайёрланди ва ишлаб чиқилди. 1994 йилнинг 11 ойи якунида бўйича юк жўнатиш режаси 95 фоизга бажарилди. Бу эса олдинги йилга нисбатан 30 фоиз камдир. Режадаги даромад ҳам 98 фоизга бажарилди. Бу вақтга келиб Ўзбекистон темирйўли Россия темирйўл Вазирлигидан 137 млн. америка доллари, Қозғистон Транспорт ва зирлигидан 15,1 млн. америка доллари микдорида қарздор эди.

1995 йилда юк ташишни пасайти-

## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

бўлиши керак. Чунки темирйўлдан факат фойда олиш қийин. Шунинг учун бу масалани бизнинг Олий Мажлисимиз ҳам келгусидаги ўз йиғинларида кўриб чиқишга яхши бўларди.

Ушбу анжуманда украиналик темирйўлчиларнинг тажрибалари ҳақида кўп яхши гаплар айтилди. Улар халқаро битимлар тузишда илгарилаб кетишган. Давлат ва Парламент олдига аниқ мақсадларни қўлаб темирйўлчиларнинг ҳимоясини қўя билдиларини ҳам ибрат олса арзийди. Мисол учун агар Республикада инфляция 100 фоиз юз берса, маошларни 80 фоизга оширишга давлат билан касабаси уюшмаси келишиб олган битимлар мавжуд экан. Уларда, Россияда касабаси уюшмалари темирйўл маъмурияти билан ҳамда Парламент билан уч томонлама битим тузилган экан.

Хуллас, бундай анжуманларда кўп нарсани ўрганса бўлади.

— Сиз ҳам анжуманда сўзга чиққан экансиз. Ўз сўзингизда нималар ҳақида фикр юритдингиз?

— Асосан "Ўзбекистон темирйўллари" Давлат-акционерлик компанияси раҳбарияти билан бизнинг касабаси уюшмаси эртасида тузилган 1995 йилги жамоа шартномасининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида гапирдим.

— "Ишонч" мухлисари ҳам шартномаларингиздаги бу ўзига

риб юбормай жўнатилаётган юкларнинг ҳақиқий бажарилиш даражасида саклаш кўзда тутилмоқда. Биз яна шундай шароитда 1995 йил учун Битим туздик.

Ўтган йилги битимдаги энг муҳим ҳолат йўлни бир меъёрга унум билан ишлаши эди. Бунинг учун эса маошлар ўз вақтида ошириб борилади, иш жойлари ва меҳнат муҳофазаси, ишчиларнинг, нафақахўрларнинг барча имтиёзларини саклаб қолишга ҳаракат қилинди. Хуллас, темирйўл касабаси уюшмаси томонидан 1994 йилдаги шартномада кўрсатилган барча бандлар бўйича белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши учун зарур чора-тадбирлар кўриб борилади. Битимнинг 89 бандидан 75 таси тўла-тўқис; 12 таси қисман бажарилди, иккитаси бажарилмади. Йил давомида юкларнинг ва йўловчиларнинг ташиш баҳолари уч мартага оширилди. Йўловчиларнинг ташишдан келган зини эса Республика ҳукумати ва вилоят ҳокимликлари томонидан қопланмади. Бироқ темирйўлга қарашли соғлиқни саклаш тизимлари, халқ таълими ва ўқув юртлари йўлдан тушаётган фойда ҳисобидан таъминлаб келинди.

1995 йил битимини тузишда ўтган йилдаги қўшимча ва устама пуллар, туман коэффицентлари, меҳнатда-иш кўрсаткичларга эришганларни тақдирлаш ва бошқа мукофотлар ҳам

саклаб қолинди. Ишчиларни, нафақахўрларни пулнинг қадрсизланиши шароитида ҳимояси учун шартномага қўшимча имтиёзлар, товон пуллари бериш, қўшимча ва устама пуллари ойлик таъриф ставкаларининг ҳамда маошларнинг ошишига қараб ошириб бориш, шунингдек, нафақа ва мукофотларнинг қийматини ҳам ўстириш кўзда тутилган. Мисол учун локомотив бригадалари маошига қийин шароитда ишлайётганлари учун 20 фоиз қўшимча қўшиб берилапти. ТО-2, ТО-3, ТР-1 типдаги локомотив техникаларига хизмат кўрсатувчи слесарлар ҳам зарарли шароитда ишлайётганлари учун 20 фоиз қўшимча олишаяпти.

Йўлда 30 йилдан ортиқ ишлаганларга 35 фоиз узоқ ишлаганлик қўшимча пули тўланади. Транспортда ишлаб нафақага чиққанларга уч ойлик микдорда пул берилади. "Фахрий темирйўлчи"ларга бериладиган мукофот ҳам 50 фоизга оширилди. Кам таъминланган нафақахўрларга эса йилда бир марта энг кам ойликнинг икки ҳиссаси берилади. Темирйўлда 10 йилдан ортиқ ишлаган ва нафақага чиқаётганларга ҳам энг кам ойлик микдорда ёрдам пули берилади. Ишловчилар ва нафақахўрлар 50,60,70,80 ешли юбилейларида муносиб тақдирланишади. Ишлайётганларнинг маошига 50-100 фоиздан қўшимча қўшиб бериlsa, нафақахўрларга энг кам нафаканинг 4 ҳиссаси берилади.

Меҳнат муҳофазаси учун умумий сарф-харажатнинг 0,9 фоизи ажратилди. Буларнинг барчаси битимда ўз аксини топган бўлиб, йўл раҳбарияти томонидан қўлаб-қувватланди.

Булардан ташқари темирйўлчиларга турли хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам кўпгина имтиёзлар берилган.

Қурилиш материалларининг нархи қимматлашиб кетгани, материал-техник базалардаги таъминот ёмонлашганига қарамай темирйўл раҳбарияти 1995 йил ижтимоий-маиший биноларнинг ва турар жойларнинг қурилиш қўламини ҳам ўтган йил даражасида саклаб қолди.

Битим тузишдан олдин темирйўл корхоналари, бўлими ва туман касабаси уюшмалари томонидан 20 дан ортиқ таклифлар келиб тушди. Ҳайъат томонидан улар обдон ўрганилиб, кераклилари шартномага ҳам киритилди.

— Сўнгги анъанавий савол, "Ишонч"га тилагингиз...

— "Ишонч" ҳамиша ўз ўқувчиларининг ишончини оқлаб, мустакил Республикада касабаси уюшма ташкилотларининг ҳамини энг сеvimли газетаси бўлиб қолаверсин! Бизнинг темирйўлчилар ҳаётини еритиб туришни ҳам унутиб юборманлар.

Сўхбатдош: АДҲАМ ДАМИНОВ.



## Меҳнат муҳофазаси

Утган йили сентябрь ойининг охирида Қўйи Чирчиқ туманидаги "Янги ҳаёт" жамоа хўжалиги механизатори Ёдгор Қулматов далада "оқ олтин" орттилган тўртта прицепни тракторига шатакка олиб, пахта тайёрлаш пункти томон йўл олди. Прицепларни тарозиға қўйиш чоғида механизаторнинг чарчаганлиги яққол билинди. У тракторни бошқаролмай, тарозибон ўтирадиган хонани туртиб, бузиб юборди. Топширган пахтасининг ҳужжати олиш учун бир зум хонаға кирган Улуғбек номли жамоа хўжалигининг механизатори 26 ёшли Талъат Шукuroв қутулмаган шовқиндан эсанкираб қолди. Ўзига келиб бошқалар сингари хонадан чиқмоқчи бўлганида қулаган девор тағида қолди.

Талъат фарзандларини, вояға етмаган беш нафар болалари эса оталарини кўришмади. Чунки у қутулмаган бахтсиз ҳодиса қурбони бўлганди.

Афсуски, бундай воқеалар кам бўлса-да, содир бўлиб турибди. Иш жараёнида турли жароҳатлар олиш, меҳнатға вақтинча ёки умуман яроқсиз бўлиб қолиш ҳоллари ҳам оз эмас. Тармоқ касабга уюшмалари қурултойлари ҳисоботларида бу таъкидланди.

Тошкент вилояти деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касабга уюшма қўмитаси раиси, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, иқтисод фанлари номзоди Камол ШОДИМЕТОВ билан суҳбатимиз шу мавзуга, меҳнаткашларга хавф-хатарсиз иш шaroитларини яратиш бериш муаммоларига бағишланди.

— Камол Шодиметович, аввало, иш вақтида рўй бераётган кўнгилсиз ҳодисаларнинг асосий сабабларини қаердан қидириш керак деб ҳисоблайсиз?

— Тўғридан-тўғри жавобға ўтишдан олдин 1994 йилда тармоғимиздаги меҳнат жамоаларида ишлаб турган ҳар 10 минг кишидан 13 нафари ишлаб чиқариш жароҳати олганлигини, ҳар бир шундай ҳодиса туфайли ўртача 20 иш кунни йўқотилганини, энг ачинарлиси, 13 бахтсиз ҳодиса ўлим билан тугатганини айтиб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Тармоғимизда оз эмас — 400 минг киши меҳнат қилишини ҳисобға олсак, юз бераётган ишлаб чиқариш жароҳатлари қўламини тасаввур этиш қийин эмас.

Энди бевосита қўйилган саволға келсак, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабабини меҳнат муҳофазаси қонунлари ва бу борадаги қондалар, йўл-йўриқларға риоя қилмасликдан қидириш керак. Айниқса, мулк шакли ўзгарган, яъни давлат тасарруфидан чиққан корхона, ташкилот ва жамоаларда бу масалаға назар-писанд қилмай қараш ҳоллари кўп учрайди. Шунингдек, ишга қабул қилинган ходимлар техника хавфсизлиги қондаларига ўқитилмаслиги, барча турдаги ускуналар, асбобларнинг ишлаб чиқариш қуроллари ҳолатининг техник назорати сусайтириб юборилгани ҳам кўнгилсиз воқеаларға олиб келади. Бундай жамоаларнинг раҳбарлари "қўза кунда эмас, кунда синади" деган доно ҳикматининг маъини қақиб кўрмаганлар, чамаси. Бекобод пахта тозалаш заводи, Тўйтепа гишт заводиди, Ўстонлик туманининг "Янги овул", Янгийўл туманининг Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалиғида инсон умрига зомин бўлган бахтсиз ҳодисаларни фақат шу билан изоҳлаш мумкин.

Бундай ҳодисаларға йўл қўйган раҳбарларға нисбатан қатъий чоралар кўрилади. Уларнинг кўпчилиги эғаллаган вазифаларидан бўшатилди, кўпгина мутасадди мутахассислар маъмурий жазоларға мустаҳқил этилдилар.

— Албатта кўрилган чоралар ҳар қанча қаттиқ бўлмасин, улар рўй берган бахтсизлик ўрнини босолмайди. Шундай бўлса-да бошига қулфат тушганларнинг кўнглини олиш, улар дардини енгиллаштиришда касабга уюшмаларнинг мажмуи, ўрни ҳақида таъкид бериш керак.

— Тўғри айтасиз. Бундай вақтда энг аввало ўша одамлар оиласига ғамхўрлик қилиш бизнинг бош бурчимиз. Масалан, юқорида тилға олинган Талъат Шукuroв оиласига шу механизаторнинг, 6 йиллик маоши миқдорида тоvon тўланиши таъминланди. Бундан ташқари боқувчисидан ажраган оила аъзолари кўрадиган зарарни қоплаш мақсадида ишхона ҳисобидан ойлик тўловлар тайинланади. Унинг миқдори вояға етмаган ёки меҳнатға яроқсиз бир оила аъзоси ҳисобига энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Масалан, оила боқувчисининг ўртача ойлик иш ҳақи 1 минг сўмини ташкил этса, унинг қаромоғидаги 16 ёшга етмаган тўрт боласига корхона ой сайин тўлаб борадиган тоvon пули 800 сўмини ташкил этади. Туман ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланадиган нафақалар бу ҳисобға кирмайди.

Шу ерда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан келадиган зарарнинг ҳақиқий ҳажмлари ҳақида тўлиқ маълумот бериб кетиш ўринли деб ўйлайман. Чунки айниқса, давлат тасарруфидан чиқиб кетган корхоналар, кўпгина кичик, қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, деҳқон-фермер хўжалиқларида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги масалалари иккинчи даражаға суриб қўйилмоқда. Бу мақсадлар учун тегишли маблағлар ажратилмаётгани, ҳатто шу соҳа учун мутасадди муҳандислар ўрни қисқартириб юборилаётган ҳоллар оз эмас.

Бундай раҳбарларға, бозор иқтисодиётини рўқач қилиб зиқналик билан маълум бир маблағни тежашга интилишлари шу жамоаға, жамиятға келтираётган зарар ҳажмларини кўрсатиб бериш фойдали деб ўйлайман. Ўзгича беринг-а, олинган жароҳат жиддийлиғига қараб тўланадиган тоvon пули, олиб келган маоши миқдорида нафақалар белгиланиши, қисқартирилган иш кунлари тайинлашдан кўриладиган зарар, қўшимча меҳнат таътиллари бериш, даволаниш учун, пархез таомлар билан таъмин-

лаш учун, имтиёзли нафақа таъминоти учун сарфланадиган харажатлар — буларни чўтга солиб кўринг-а!

Энди булар устига рўй берган бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқувчи ижтимоий таъминот бўлимлари, прокурорлик, халқ судлари, қолаверса, касабга уюшма ташкилотлари сарфлайдиган вақт ва у билан боғлиқ харажатларни кўшадиган бўлсак кўриладиган иқтисодий зарарларнинг ҳақиқий қўлами намоён бўлади. Лекин буларни ҳам тўлиқ деб бўлмайди. Нонулай иш шaroитлари туфайли жароҳатланишлардан келадиган зарарларнинг тўлиқ ва умумлаштирилган маълумотлари керак.

Хозирги бозор иқтисодиёти шaroитида меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар ва уларға ажратиладиган маблағлар давлат статистика ҳисоботлариға киритилиши ва шу асосда уларнинг иқтисодий ҳисоб-китоб тизимини яратиш керак.

Тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш иқтисодий механизм билан бошқарилади. Бизда ҳам шу йўлга ўтиш зарурати сезилмоқда.

— Меҳнат жамоаларида хавф-хатарсиз иш шaroитларини яратишда дуч келинаётган муаммолар ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— 1993 йилнинг 6 май кунини ре-спубликамизда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши катта воқеа бўлди. Бу қонуннинг кучға кириши касабга уюшмаларининг бу борадаги фаолиятиға катта ёрдам берди. Касабга уюшмалари қўмиталари қошида тузилган меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган комиссиялар ва жамоат назоратчилари унга таяниб ишлаш туфайли оғир оқибатли бахтсиз ҳодисалар ўтган йили 40 фоизға камайди.

Бироқ тегишли низомилар, йўриқномалар, шарҳлар йўқлиги сабабли ушбу қонунни тўлиқ тадбиқ этишда қийинчиликлар туғилаётти. Масалан, корхоналар, ишлаб чиқариш воситалари хавфсизлик кафолатномасига эга бўлмаса ишга туширилиши мумкин эмаслиги қонунда таъкидланган. Лекин кафолатномаларни олиш тартиби берилмаган.

50 нафар ва ундан кўп ходим ишлайдиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга бўлган кишилардан меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тузилиши керак. Яна 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи лавозимлар жорий этилиши ҳам белгиланган.

Жойларда қонунға хилоф равишда меҳнатни муҳофаза қилиш ходимлари, юқорида айтганимиздек, қисқартирилиб юборилмоқда. Ташкил қилинаётган қўшма, кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжалиқларида ҳам меҳнат муҳофазаси билан шугулланадиган шахслар қарийб йўқ.

Хўжаликлар ва корхоналардаги меҳнат муҳофазасига тааллуқли шахсларнинг билимини ошириш учун зарурий адабиёт, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш борасида етарли иш олиб борилаётгани йўқ.

Илгари касабга уюшмаларининг меҳнат, техника нозирлиги меҳнат муҳофазаси қондалари бажарилишини давлат нуқтаи-назаридан таъминлардилар. Туман ва хўжалиқларда семинар-йиғилишлар ўтказилар, "Меҳнат муҳофазаси кунлари" уюштирилар эди. Илгори тажрибалар омалаштирилиб, янги ва қайта тикланаётган корхоналарни машина ва ускуналар билан таъминлашда фаол иштирок этилар эди.

Ўтган йилнинг январь ойига келиб эса ана шу назоратчилар сони камайиб кетди. Штатлар қисқартирилди. Масалан, деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касабга уюшмаси вилоят қўмитасида II та меҳнат-техника назоратчиси бор эди. Хозирға келиб бир киши қолди, холос. Жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришга бир кишининг қурби қандай етсин. Бу масалани албатта қайта кўриш керак.

Бизнинг томонимиздан шуни айтишим мумкинки, касабга уюшмалари миз ҳар бир меҳнат жамоасида, ҳар бир иш жойида хавф-хатарсиз шaroитлар яратилиши учун, меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий ва қонуний ҳужжатларға тўлиқ риоя қилиниши учун барча имкониятларини ишға солаварадилар.

Суҳбатдош: Саидазим ШАРОФҲОҲОВ,  
"Ишонч" мухбири.

САЙЁРАМИЗ  
ОВОЗИ

• ХИТОЙ ҳукуматининг ҳисоб-китоби амалиётиға қарамай аҳоли тез ўсиб бормоқда. Пекин раҳбарияти туғилиш борасида янги режаларни эълон этди. Янги инсоннинг дунёға келишидан баъзи жойларда севинишар, лекин кунига 58 минг бола туғиладиган ва ҳозирнинг ўзида аҳолиси 1 миллиард 200 мингта етган мамлакат учун афсуски бу қора хабарға тенг. Би-би-сининг Пекиндаги мухбирининг айтишича, 2000 йилда қутилган сонға давлат ўтган 10 йил давомида туғилишни қанчалик қисқартиришға киришмасин, Хитой ҳозирнинг ўзида етиб келди. Қонунларға биноан шаҳар оиласи атиги бир фарзандға, қишлоқлар эса 2 фарзандға эга бўлишлари мумкин. Аммо бу чоралар бирон натижаға олиб келиши шубҳалидир.

\*\*\*

• БРИТАНИЯ ва Ирландия расмий кишилари Шимолий Ирландиянинг тинчлиги билан боғлиқ таклифларни яқунлаш мақсадида Дублинда учрашдилар. Шимолий Ирландия Ташқи ишлар вазири яқунловчи ҳужжат устида бош қотирмоқда. Бу ҳужжат Британия ва Ирландия раҳбарлари ўртасида олий даражадаги учрашувға замин ҳозирламоқда. Бироқ, протестант иттифоқи Ирландиянинг бирлашишиға кўп ён бериш тақдирда тинчлик таклифни рад этиши мумкинлигини билдирган.

\*\*\*

• АҚШ СОБИҚ Совет Иттифоқи гуруҳидаги 10 та мамлакатта ИФ-16 турдаги реактив жанговар самолётлар ва қурол-аслаҳа сотишни таклиф қилган. Совуқ уруш тугагандан буён Вашингтон маъмурияти Шарқий ва Марказий Оврўпо мамлакатлари билан муҳофаа ҳамкорлиги келишувини имзолаган бўлса-да, юксак технология қуролларини ҳалиғача уларға сотмаган. Расмий кишиларнинг айтишларича, Вашингтоннинг янги сиёсати НАТО иттифоқи аъзолиги Шимолий ва Марказий Оврўпо бўйлаб тармоқ отиши режаси билан алоқадордир.

• АҚШ АРМИЯСИ тасарруфидидаги ҳарбий вертолётлардан бири Сомали қирғоғиға яқин океан сатҳида ҳалокатта учраган. 4 учувчи енгил яраланган ҳолда қутқариб қолинган. Лекин бир учувчи ҳамон топилгани йўқ. Ҳалокатта учраган, вертолётда БМТнинг тинчлик ўрнатувчи қучлари сафида хизмат қилаётган аскарлари Олмониядан кетишға тараддулланган миссияси учаётган эди. Вертолёт Сомали маркази Мазабиши қирғоғидан 35 км. узоқликдаги Америка ҳарбий кемасидан ҳавоға кўтарилган. Шундан кўп ўтмай ҳалокатта учраган.

\*\*\*

• ДУНЁДА ҳарорат кўтарилишиға бағишланган "Осиё, Тинч океани ҳаваси" номли конференция Филиппинда бўлиб ўтди. Конференцияда ҳароратнинг ошишиға сабаб бўладиган масалаларға қарши курашға кўпроқ ривожланган мамлакатлар ёрдамға чақирилди. Конференция 31 мамлакатнинг олим ва сиёсатдонларини бирлаштирди. Вакиллар ривожланган мамлакатлар дунё ҳарорати кўтарилишиға сабаб бўлаётган карбонад ангидрид миқдори ошишининг олдини олиш учун курашишлари даркор, дедилар.

Олимлар қурраимиз ҳарорати юқорилашиши боис Осиёда даҳшатли қургўқчиликлар юз бериши мумкин, дейишди.

МЕХНАТ  
ХАВФСИЗЛИГИ  
ТАЪМИНЛАНСИН

## НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Мамлакатимизда бу йилги Наврўз байрамиға катта тайёргарлик кўрилмоқда. Баҳор байрамини бозор ва ярмаркаларсиз тасаввур қилиш қийин. Бунга Тошкент отчопарида ҳам яхшигина ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ерда бунёд этилаётган замонавий бозор Наврўз айёми арафасида фойдаланишға топширилиши мўлжалланган.

Суратларда: Бозор қурилишидан лавҳа. Унда эса "Ташпромстрой" трести 50-қурилиш монтаж бошқармаси моҳир гишт терувчиси Наримон Абдушарипов иш устида.

Суратларни А. МАМАДАМИНОВ олган.





## Саволларга Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура ХОЖИМАТОВА жавоб беради.

Мен инженер бўлиб ишлайман. Шу билан бирга кечки мактабда тўлиқ ставкада ўқитувчилик қиламан. Иш стажим 27 йил.

55 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

**Алишер ХОТАМОВ,**  
Самарқанд шаҳри.

Ўқитувчилик иш стажингиз 25 йилни ташкил қилса, Сизга ўқитувчи сифатида имтиёзли пенсия тайинлаш мумкин.

Тошкент тиббиёт институтининг кундузги бўлимида ўқиш билан бирга кечкурун тиббий ходим сифатида 4 йил ишлаганман. Имтиёзли пенсия тайинлашда ҳисобга олинадими?

**Аҳад ХАЙДАРОВ,**  
Тошкент шаҳар,  
Чилонзор тумани.

Тўлиқ ставкада тиббий ходим бўлиб ишлаган бўлсангиз, 4 йиллик иш стажингиз имтиёзли пенсия тайинлаш учун ҳисобга олинади.

Касалхонада бўлишим муносабати билан сентябрь, октябрь ойлари учун пенсиямни ололмаган эдим. Бу ойлар учун пенсиям билан бирга компенсация ҳам тўланадими?

**Раҳим ҲАСАНОВ,**  
Бухоро вилояти.

Ҳурматли Раҳим ота, сизга сентябрь, октябрь ойи учун ҳам компенсация тўланиши шарт.

1941-45 йиллари уруш даврида олий ўқув юртининг кундузги бўлимида ўқиганман. Кечкурунлари ҳар хил ташкилотларда ишлаганман. Уруш давридаги иш стажим учун 30 фоизли қўшимча бериладими?

**К. ҚОДИРОВ,**  
Жиззах шаҳри.

Агар иш стажингизни тасдиқловчи ҳужжатларингиз бор бўлса, стажингиз 2 баробарига ҳисобланади ва пенсияннгизга энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча берилади.

Ёшим 60 да, 6 нафар фарзанд туғиб, тарбияладим. Ҳеч қаерда ишламаганман. Менга пенсия тайинлашларини сўраб туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилсам рад жавоб беришди. Шу тўғрисида?

**Асалхон ТўРАЕВА,**  
Фарғона вилояти,  
Ўзбекистон тумани.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган янги пенсия

Конунда 60 ёшга тўлган, меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган. Турмуш шароитингиз огир бўлса, ариза билан туман ҳокимлигига мурожаат қилсангиз, нафақа тайинланиши мумкин.

1 гуруҳ ногирониман. 10 синфни тугатган 18 ёшли қизим менга қараб туради. Ўқимайди, ишламайди. Унга ҳам нафақа тайинланадими?

**Х. ЖАББОРОВ,**  
Самарқанд шаҳри.

Ишласдан, ўқимасдан, 1 гуруҳ ногиронига қараб турган давр учун нафақа тайинлаш қонунда кўзда тутилмаган.

1937 йилда туғилганман, 40 йилдан ортиқ қурилиш соҳасида меҳнат қилдим. Шундан 16 йилдан ортиқ қурилиш прораби бўлиб ишладим. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

**Э. МУХТОРОВ,**  
Фарғона вилояти,  
Қўқон шаҳри.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга асосан қурилиш прорабларига умумий иш стажлари 25 йил бўлиб, шундан камида 12 йилу 6 ой мазкур ишда банд бўлган эркаклар 55 ёшга етганларида имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиз 16 йил қурилишда прораб бўлиб ишлаган экансиз. Демак, 55 ёшга етганингизда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

1932 йилда туғилганман. 1941-1945 йилларда барча ишга яроқли йигитлар урушга кетганили сабабли биз вояга етмаган болаларни ҳам жамоа хўжалигига ишга таклиф қилишган. Мен 1943 йил март ойидан бошлаб жамоа хўжалигида ишлаганман.

1946 йили "Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлар учун" медали билан мукофотланганман. Аммо иш стажим тўғрисида ҳужжатлар йўқ. Пенсиямга уруш даврида ишлаганим учун 30 фоизли қўшимча бериладими?

**А. ОСТАНАКУЛОВА,**  
Сурхондарё вилояти,  
Термиз шаҳри.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган қонунга биноан уруш даврида фронт орқасида ишлаган шахсларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча қўшиб берилади. Сизнинг иш стажингиз сақланмаган бўлса ҳам медалингиз ва медал гувоҳномасига асосан пенсияннгизга 30 фоизли қўшимча берилади.

Кўриш бўйича II гуруҳ ногирониман. Электр, газ, сувлардан имтиёзли равишда фойдаланишим мумкинми?

**З. ЮНУСОВА,**  
Фарғона шаҳри.

Амалдаги Қонунга мувофиқ умумий касалликдаги II гуруҳ ногиронларига шифокорнинг рецептига асосан дори-дармонларни 50 фоиз арзон нархда сотиб олиш, қишқи, кундузги мавсумларда темир йўл, ҳаво

йўли транспортларига тўланадиган ҳақнинг 50 фоизини чегириб тўлаш каби имтиёзлар берилган. Қонунда кўриш қобилиятини йўқотган ногиронларга электр, газ, сувдан фойдаланганлиги учун имтиёзли ҳақ тўланиш кўзда тутилмаган.

4 нафар фарзандим бор. Ҳеч қаерда ишламайман. Турмуш ўртоғим ҳам штатлар қисқартирилиши сабабли 6 ойдан буён ишламайди. Болаларимга нафақа тўланадими?

**Зухра АҲМЕДОВА,**  
Фарғона вилояти,  
Бешариқ тумани.

1994 йил 1 сентябрдан бошлаб барча болали оилаларга ҳар ой нафақа тўланадиган бўлди. 4 болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида ҳар ой нафақа тўланади. Мазкур нафақа онага иш, ўқиш жойидан, она ишламаса, отанинг иш, ўқиш жойидан, иккови ҳам ишламаса, ўқимаса ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади ва тўланади. Барча тегишли ҳужжатлар билан яшаб турган жойингиздаги ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингизга маслаҳат берамиз.

Умумий иш стажим 30 йил. Шундан 20 йил ўқитувчи бўлиб, 10 йил мактаб директори бўлиб ишладим. Ёшим 55 да. Менга имтиёзли пенсия тайинланиши мумкинми?

**Қ. ҲОШИМОВ,**  
Сирдарё шаҳри.

1994 йил 1 июлдан бошлаб кучга кирган янги пенсия қонунда ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажы камида 25 йил бўлса қариллик пенсияси тайинлаш учун талаб қилинадиган ёшдан 5 йил олдин, яъни эркаклар 55 ёшдан, аёллар 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунда мактаб директорларига имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган. Мактаб директорларига, агар айни пайтда тўлиқ ставка билан дарс берган бўлсалар, ўқитувчи сифатида имтиёзли пенсия тайинлаш мумкин.

Менинг ўғлим Алишер Бобоқулов Афғонистонда ҳалок бўлган. Менга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган. Турмуш ўртоғим эса қариллик пенсияси олади. Янги қонунга биноан пенсиямга ўғлим учун 30 фоизли қўшимча беришди. Турмуш ўртоғимга ҳам қўшимча бериладими?

**Э. БОБОҚУЛОВА,**  
Фарғона шаҳри.

1994 йил 1 июлдан кучга кирган янги Қонунга асосан вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳам отаси ҳам онаси олаётган пенсияга энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида қўшимча олади. Турмуш ўртоғингиз тегишли ҳужжатлар билан ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишларини тавсия қиламиз.

"Правда Востока" газетасининг 1995 йил 3 январдаги сониди "Ғоя туғилди" руқни остида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Виктор Анатольевич Чжен билан бўлган мулоқот босилиб, завод, фабрикалар ўзларига яқин ҳудудлардаги маҳалла аҳли билан ҳамжиҳат иш юритиш бўйича алоқа ўрнатишлари масаласи кўтарилган. Йирик ишлаб чиқариш ташкилотлари, шахсий ва кичик корхоналар омма билан қанчалик яқин муносабатда бўлсалар шунчалик юқори манфаатга эга бўлишлари мумкин. Шундай йўл билан заводда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи камаяди, экологик вазиятни яхшилаш, ишчи кучини мўътадиллаштириш ва бошқа қатор имкониятлар туғилишига имкон яратилади. Энг муҳими, маҳаллаларда яшовчиларни иш билан таъминлаш йўлга қўйилади.

В. А. Чженнинг мазкур ғоясини "Ўзэлектрораппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Абдуманнон Алимбоев қувватлаб чиқди. Қувватлабгина қолмай, ушбу ғояни шахсан ўзи ҳаётга тадбиқ этишга киришди. Айнан ана шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчилиги қўмитасида 11 февраль кун саноат корхоналари ва маҳаллаларнинг иқтисодий ва иж-

тимоий бирдамлиги масалалари бўйича семинар-кенгаши чақирилди.

— Маҳаллалар билан алоқа боғлашнинг аҳамияти бугун бўлмаса, эртага роль ўйнаши барчага аниқ, — дейди йиғилишда биринчи бўлиб сўз олган А. Алимбоев, — В. Чжен таклиф қилган дастурнинг аҳамияти шундаки, биринчи галда аҳоли иш билан таъминланса, ешлар ҳунар ўрганишади, касб орттиришади. Бу эса шу куннинг долзарб масаласидир.

## БУНДАН МАНФААТ КЎП

Лекин бу ишларни рўёбга чиқаришимизда айрим тўсқинликлар содир бўлмоқда. Ана шу тўсқинликларга зарба бериб муҳим ғояни рўёбга чиқариш бўйича астойдил ҳаракатда бўлишимиз зарур. Бизнинг корхонада эса бугунги кунда биронта ҳунар эгаси бўлмаган мутахассисни учратмайсиз. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 42 фоизи халқ истеъмол молларидан иборат. Маҳаллалар аҳлини ишга жалб қилиш билан ҳам ана шу маҳсулотларнинг хилларини оширишга эришмоқдамиз. Рўзгор учун зарур бўлган буюмлар турларини ошириш билан наф кўраётимиз. Ҳозирнинг ўзида ҳам 50

нафар оила ўртасида битим тузиб олганмиз. Шу битим асосида икки томон баробар наф кўра бошлади.

Дарақият, бош директорнинг ташаббускорлиги туфайли "Ўзэлектрораппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида жамоанинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро самимий муносабат қарор топган. Корхона раҳбарлари уларга яхши ҳақ тўлаш билан бирга қулай меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий кўнглига ўртасида битим тузиб олганмиз. Шу битим асосида икки томон баробар наф кўра бошлади. Дарақият, бош директорнинг ташаббускорлиги туфайли "Ўзэлектрораппарат" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида жамоанинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро самимий муносабат қарор топган. Корхона раҳбарлари уларга яхши ҳақ тўлаш билан бирга қулай меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий

кўнглига ўзгариб бормоқда, — деб сўзида давом этади А. Алимбоев, — кўчалар саҳни кенгаймоқда. Икки-уч қаватли магазинлар қад тиклаб, "Ўзэлектрораппарат" тамғаси билан маҳсулотларни аҳоли харид қилибгина қолмай, шу жойнинг ўзида бир нафас гурунглашиб, қаҳва ичиб, ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратилаётир. Яқин вақтлар ичида ени-миздаги бозор ҳам қайта қурилиб, янги шакл-шамойил топиши аниқ. Катта-кичик кўчалар нурафшонлик касб этиб, чарақлаб туради. Раста-раста дўконлар, қаҳвахоналар, ҳаммом, янги чойхоналар қад тиклайди. Аҳолига хизмат қиладиган транспорт ҳаракати ҳам яхши йўлга қўйилади.

Йиғилишда ишлаб чиқариш корхоналаридан суғурта олиш масаласини ҳам тартибга солиш, қўшни давлатларга мол чиқаришни ривожлантириш, хусусийлаштириш муаммоларини ҳал этиш тўғрисида яхши гаплар айтилди. Энг муҳими, "Завод ва маҳалла" деган ибора ҳамманинг тилида такрорланиб, кўз олдиларида эртанги кунларнинг янги қаёғаси гавдаланар, дил қаърига нурдай қуйилар, барчани янги фаровон олам сари чорлаётгандай бўларди.

"Ишонч" муҳбири.

— Туманимиз ҳаритаси кундан-



## ИЗЛАНИШЛАР

1937 йил Стокгольмда беш шифокор, бир зоолог ва яна бир ботаник биологик маромларни ўрганиш бўйича биричи халқаро жамиятга асос солдилар. Етти олим турли қарашлар, шубҳалар, изланишлар уммонида жавлон ура бошлади. Инсон танаси ички муҳити доимийлиги ҳақидаги ҳукмрон ғоялар янги-янги ғояларга, замонда доимий ўзгарувчанлик ғояларига мос тушмаётгани шубҳаларни кучайтирди.

Француз физиолог Клод Гернер томонидан бир вақтлар таклиф этилган "ички муҳит доимийлиги" ҳақидаги тушунча мазкур соҳанинг илмий тараққиётга йўл очгани. Америкалик У. Кеннонинг 1932 йили нашр этилган "Инсон танасининг донолиги" китоби

муносабати билан ички муҳит доимийлиги тушунчаси тананинг ўз ҳолатини бир хилда сақлашга интилиши деб таърифлана бошлади. Бундай қараш янги тадқиқотларга йўл очиб берди. Зотан соғлом одамда ички муҳит ҳолати ўзгармас экан, бу ҳолатни ўрганиб, соғломликнинг ўзи нималигини аниқлаш, шу соғломликни ифодаловчи белгилардан бошқа ҳамма ҳолатларни ҳасталик деб таърифлаш мумкин эди.

Тана ҳолатининг доимий ўзгарувчанлиги ғояси эса тиббиёт илмининг барча асосларини ости-устун қилиб юбараётгандай туюлди. Ҳаётининг маромларнинг мавжудлигини ғоят синчковлик билан исботлаш керак бўлиб қолди. Буни қандай амалга ошириш мумкин? Такрорий жараёнлардаги олдинги мақолаларимизда айтиб ўтган маълум оғишлар мавжудлиги орқалими?

Маромлар оддий оғишлар жараёнининг ифодаси эмас. Улар энг аввало ўз-ўзидан юзага келадиган жараёнлардир. Шундай экан, ўзгармас шароитларда бу маромлар сақланиб қолиши керак. Биологик маромларга таъсир этувчи асосий омил еруғлик экан, дастлаб унинг қоронғуликда ҳам сақланиб қолишини аниқлаш зарур. Ушбу маромлар қоронғуликда ҳам сақланиб қолишини қандай исботлаш мум-

кин?

Аввалига лаборатория жониворлари олимлар жонига оро кирди. Оқ каламушларда ўтказилган

тажрибалар тим қоронғуликда ҳам улар ҳаракат фаоллиги қатъий белгиланган даврий такрорланувчи хусусиятга эга эканлиги маълум бўлди. Бироқ ғоя муҳофизлари бу натижаларни шубҳа остига олдилар. Жониворларга қатъий белгиланган вақтда озуқа берилиши мумкин, дейишди улар. Биргина бу эмас — хонадаги ҳароратнинг маромий ўзгариб туриши, вақт-вақти билан лабораторияга етиб бориб турадиган овоз-шовқинлар, бир мартагина еруғлик "яроқ" этиб

қолди. Такрорий жараёнлар 24 соатлик чегарадан бир оз огган бўлса-да, бунинг бирон-бир амалий аҳамияти йўқ эди. Муҳими, ҳаётининг маромлар асосан ўз ҳукмини сақлаб қолганди.

Унинг жасоратини ер остида 210 кун яшаган италиян олими Маурицио Монталбини, аёллардан эса ер остида 100 кун тадқиқот олиб борган француз Вероника Ле Бенлар такрорлашди. Барқарор шароитларда намоён бўлувчи ва 24 соатлик даврийликдан бир мунча четта чиқувчи ҳаётининг маромлар табиий эки эркин юз берувчи маромлар деб ном олди. Бироқ маромларни табиий дейишни жуда ҳам тўғри деб бўлмайди. Бинобарин, инсон барча жонли мавжудотлар сингари атроф-муҳитнинг вақт-вақти билан ўзгариб турувчи шароитларига мослашган.

Тиббиёт олимларининг тадқиқот ишларига кейинчалик биологлар, улардан сўнг математиклар қўшилишди. Биологик соатнинг мавжудлиги ва унинг инсон ҳаётидаги муҳим аҳамияти ҳар томонлама ўз исботини топди. Яъни, кўплаб олимларнинг

куч-райратлари билан биологик маромлар ҳаётининг қонуниятлардан бири эканлиги одатдаги шароитларда ҳам, "пробирка"ларда ҳам ҳатто махсус лаборатория — ер ости бункерида ҳам исботланди. Шундай экан шифокорлар ва биологлар барча тадқиқотларида, инсон ҳаётининг хилма-хил кўринишлари таҳлилда биологик соатнинг мавжудлигини ҳисобга олишлари шарт.

Шундай қилиб, 23 йилдан кейин, яъни 1960 йили Американинг Калд-Спринг-Хар шаҳрида жонли тизимларда ҳаётининг маромлар тадқиқоти бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда хронобиология бошқа фанлар билан тенг ҳуқуқли статусни

## ДАВОМ

ўтиши ва бошқалар ташқи ва ички "соат"ларни бир-бирига қиёслаб олиш учун кифоя қиларди.

Шундай қилиб янги фан янги изланиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этди. Ҳаётининг жараёнлар маромий хусусиятини тадқиқ этишнинг асосий тамойили — уларни атроф-муҳитнинг қатъий барқарорлиги шароитида ўрганишдан иборат бўлиши керак деган хулосага келинди. Олимлар биринчи навбатда тажрибалар олиб бориш жараёнида еруғлик, атроф — муҳит ҳарорати, шовқинлар ва электр ҳамда магнит майдонлари каби таъсир кўрсатувчи омилларни ҳоли қилишга интилдilar. Бундай тадқиқотлар учун ер ости горлари энг мақбул деб топилди.

АҚШнинг Техас штатидаги "Тун" деб номланган машҳур гор ҳамда Ницца яқинидаги "Оливье" гори олимларнинг ер ости лабораторияларига айланди. Уларда олимлар тажрибаларни кўпинча... ўз устларида олиб борардилар. Таниқли француз олими Мишель Сиффр елғиз ўзи ер остида 205 кун яшаб, ўзига ҳос рекорд қўйди. Бундай шароитда у олиб борган тадқиқотлар, ҳеч шубҳасиз, фандаги жасорат эди. Қарийб етти ой мобайнида унинг танаси суткалик маромни сақлаб

## ЭТАДИ

қўлга киритди. Эндиликда барча тараққий этган мамлакатларда хронобиологларнинг илмий жамиятлари мавжуд. Ҳар икки йилда улар ўз қурултойларини қақирадилар. Ҳозиргача шундай 18 қурултой ўтказилган.

Ф. ЭШОНХҲАЕВ.

## Иқтисодиёт янгиликлари

Президентимиз фармонларини бажариш юзасидан Навоий вилояти Хатирчи туманида ҳам ибратли ишлар амалга ошириляпти. Утган йили туманда 104 километр масофага газ қувири тортилиб, 2000 дан зиёд хонадон "Зангори олов" дан баҳраманд бўлганди.


Яқинда тумандаги А. Халимов номи жамоа ҳўжалигининг 550 нафар, Мирзо Улуғбек номи жамоа ҳўжалигининг 200 нафар хонадониди ҳам "Зангори олов" ена бошлади.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,  
"Ишонч" мухбири.

\*\*\*

Жиззах вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасига 9700 киши иш сўраб мурожаат қилганди. Уларнинг 7839 нафари ишга жойлаштирилди. Мурожаат этганларнинг бир қисми меҳнат биржаларига қайта келмадилар. Натижада 522 ишсизлик мақомига эга бўлганларнинг 443 нафари аризаси турли сабабларга кўра тўхтатилди. Бугунга келиб вилоятдаги 12 меҳнат биржасида 270 киши ишсиз мақоми бўйича рўйхатдан ўтган.

Вилоятда ишсизлар сонини камайтиришда бошқарма муассислик қилаётган кичик корхоналар ҳам маълум даражада ўрин тутаётир. Бошқарма томонидан шаҳар ва туманларда 14 та кичик корхона ташкил этилди. Галлаорол туманида "Лайло" ва "Бунёд" кичик корхоналари ишга тушаяпти. Бу корхоналарга 244 киши ишга жалб қилинади.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
"Ишонч" мухбири.

Наманган нонларини мазали қилган новвойларнинг ўз касбига бўлган меҳри, юксак диди, саховатидир. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир даҳа, ҳар бир гузар қошида очилган новвойхоналар махсусоти ҳар кунги нонусталар дастурхонини безайди. Сиз кўриб турган суратда Наманган шаҳар 1-май маҳалла фаоллари ташаббуси билан ташкил топган новвойхона ходими Ҳамидхон Пўлатов ҳам ҳозиргина тандирдан узилган нонларни харидорларга тарқатиш тараддулида.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

КАТТАГИНА вазифадаги одамнинг оддий бир ишчи билан ёмон чиқишиб, уни қуёғин қилиши галати бўлар экан. Икки кишининг "ҳаҳ, сенми" деб курашиши ҳам адолатли бўлса. Акс ҳолда бу курашиш бачканаликка айланади. Мусурмон Қўзибоев билан Номозбой Қандавлетов ўртасидаги олишув шундай бўлиб қолди.

Хўш, Қўзибоев ким? У Жиззах вилоятида машҳур бўлган Темиргазев номи ширкатлар уюшмаси раиси. Қандавлетовчи? У шу ҳўжаликнинг гоҳ қурувчи, гоҳ қоровул бўлиб юрган ишчиси. Мажаронинг бошланиши мана бундай: Қўзибоев ўғри ва ташмачиларни ушлаб бермаёсизлар, деб қоровулларга дағдаға қилавергандан кейин Номозбой товук емини ўғирлаган бир шоферни тутиб, идорага олиб борди. Бироқ, Қўзибоев ўғрига жазо бериш ўрнига унинг бошини силаб қўйди. Номозбой кўрдик, бошлиқ одил эмас. У ёмон кўрган одамнинг тинч қўймайди, яхши кўрганига ҳамма йўллар очик. Шу сабабли Қандавлетов Қўзибоев кабинетига кириб, ер ўғирсини жазолашнинг талаб қилди. Бошлиқ эса уни хонадан қувиб чиқарди.

Номозбой ажабланди. Ниҳоят, бу ҳақда Зафаробод (собиқ Октябрь) туман газетасига ёзиб юборди. Газетанинг 1988 йил 25 октябрь сониди унинг "Ҳамма назоратчи бўлиш керак" сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Мақолада кўрсатилишича, Қўзибоев пешонасини силаган Бахтиёр Аҳмедов ер ўғирлагани учун туман суди томонидан жазоланган, яъни унга жарима солинган.

Бечора Қандавлетовнинг "айби" шу. Ушандан бошлаб Қўзибоев уни ёмон кўриб қолди. Кутқиллашлар, турткилашлардан кейин Номозбой қурилиш бригадасига ишга ўтди. Бироқ, бу ерда ҳам уни тинч қўйишмади. Охири қисқартриш баҳонасида ҳўйла ишлатилди. Ишга суд ва прокурор аралашгандан кейин эса штат қисқартриш ҳақидаги гаплар йўққа чиқиб, вақтинча қурилиш бригадасида соқинлик ҳўкм сурди. Лекин тинчлик узоққа чўзилмади. Қандавлетовнинг ҳар бир қадами ҳисобга

олиниб, маҳфий дафтарчага ёзиб борилди. Бир минут "йўқолиш" — соат деб, бир соати эса кун деб қўйилаверди. Номозбой бу адолатсизликка чидолмади. Ариза ёздию, ишдан бўшаб кетди.

Бироқ, Бекен Урмоновнинг бошига бундан ҳам оғирроқ савдолар тушди. Гапнинг рости, у ўғирлик, ташмачилик ва адолатсизликка тоқат қилмайдиган одам эди. Хўжаликдаги нуқсон ва хатоларни турли идораларга ёзиб турди. Тафтишлар бошланди, сўроқлар, савол-

тарожлар эса ҳамон давом этмоқда. Ер ортқича сарфланмоқда. Вилоятдаги аллақайси лаборатория шундай бўлишини оқлаб ҳужжат ҳам берибди. Нима дент? Емнинг сифати ёмон эмиш, шу сабабли йилига бир неча юз тонна, ҳатто минг тонна товук еми ортқича сарфланиши мумкин эмиш. Қаповини топса, қор ёнади деб шуни айтмайдиларми?

Мана буниси текшириш вақтида бизга хўжалик мутахассислари томонидан ёзиб берилган рақамлар: 1993 йилда 112774 бош,

## ОЛИШУВ

жавоблар кучайди. Табиийки, бу ишлар Бекен Урмоновни анча овора қилиб қўйди. У гоҳ ўзи борар, гоҳ қақирнар эди. Туманда ҳам Жиззах шаҳрида ҳам кўп марта идораларнинг қақирғи билан ишдан қолишлар пинҳоний тарзда "прогул қилди", деб ёзиб борилган экан. Ниҳоят, бир кун уни ишдан ҳайдашди. Касаба уюшмаси раҳбарлари Қўзибоевнинг юзидан ўтишолмади, суд эса Урмоновнинг ишдан ҳайдаллишини қонуний, деб топди.

Бекен Урмонов хатларни асосида Темиргазев ширкатиди қатор хатолар очилди. Мана бир мисол: 1993 йилнинг биринчи ярмида, яъни олти ойда хўжаликда 885 тонна ер ортқича сарфланган. Шу муддат ичиди 81242 бош товук харом ўлган. Туман мутахассислари катта миқдордаги камомадларни аниқлашди. Булар орасида автомашиналар, бўмлар, темир-бетон материаллари, ёғоч-тахта, шифер бор. Ажабланидиган жойи шундаки, Қўзибоев ва унинг тирговчилари бу тафтишга норозилик билдиришга, вилоятдан одам келиб, ишни силлиққина қилиб текислаб кетди. Талон-

1994 йилнинг ўн бир ойида (январь-ноябрь) 119559 бош товук харом ўлибди. Ҳўят таажжубли рақамлар. Ким билади декабрь ойида харом ўлганлари қанча бўлди экан. Туман ҳўкимини Собиржон Абдусатторов эса сира андиша қилмай Мусурмон Қўзибоев энг яхши раҳбар, ишлари соз, дейди.

Эндиги гап туман ҳўкимини ҳақида. Қўлимизда Сапархон Урозовнинг тушунтириш хати турибди. Унда кўрсатилишича, Мусурмон Қўзибоев уни ишдан (бригадирликдан) асоссиз бўшатган. "Жиззах ҳақиқати" газетаси Урозовни ҳўмоа қилиб икки марта мақола эълон қилди. Ёзиллишича Сапархон Урозов 44 гектар ерга бугдой экиб, ҳар гектардан режадаги 10 ўғрига 27 центнердан ҳўсил олган. Бугдойга беда қўшиб экилганлиги сабабли такрорий экиндан бир марта 40 тонна беда тошларган, иккинчи ўғрим эса амалга ошмаган. Чўнки Мусурмон Қўзибоевнинг бўйруғи билан бедапоёга мол қўйиб юборилган. Қўзибоев шу дамларда кўз юмиб, Урозов режани 24 фоз бажарган ҳўлос, шу

сабабли туман ҳўкимининг топшириғига биноян ишдан бўшатилган, деб редакцияга жавоб хати юборибди. Инсофинизга балли, жаноб Қўзибоев, ёлғон ҳам эви биланда. Сизга ўхшаган раҳбарлар билан қандай қилиб қонуний, демократик давлат тузамиз.

"Жиззах ҳақиқати"да чиққан иккинчи мақолага "Жавобдан муаллиф қониқмади, ечимини ҳўкимга ҳавола" деб сарлавҳа қўйилган экан. Демак, С. Абдусатторов воқеадан хабардор. Бунинг устига Сапархон Урозов унинг номига ариза ёзиб, шахсан ўзига топширган эди. Ҳўким комиссия юбораман, текширтираман, деб ваъда берди. Бироқ комиссиядан дарак бўлмади. Урозов жавоб хати ҳам олмади.

Шу ўрнида бир воқеани эслаб ўтиш жоиздир. Бундан икки йилча бурун ҳўким Абдусатторов пахта терими даврида қўшиб ёзишга йўл қўйган деб, вилоят ҳўкимини уни ишдан бўшатди. Бироқ туман халқи ҳўкимини ҳўмоа қилиб, қаттиқ оёқ тираб туриб олди. Шу одамларнинг олдинги сафиди биз юқорида айтган Бекен Урмонов билан Сапархон Урозовлар ҳам бор эди. Улар ҳўкимимиз яхши одам, уни бўшатишга йўл қўймаймиз дейишди. Орадан бир йилча ўтди. Ҳўким ўз ўрнида қолди. Энди у хотиржам. Шу хотиржамлик туфайли бир вақтлар ўзини ҳўмоа қилган, уни ўзига энг яқин киши деб арнаа ёзган одамларни, яъни Сапархон Урозовларни унутди. Агар ҳўким ўзининг ишни битиб, эшаги пойдан ўтганда, ўз бурчини унутмаганда, ҳаминша адолатни таҳкам тутганда Бекен Урмонов, Сапархон Урозов, Номозбой Қандавлетов, яна ўйлаб кишилар ишсиз қолиб қийналмаган, Мусурмон Қўзибоев эса ҳўзиргидай ўзи хон, кўланкаси майдон бўлмаган бўлур эди.

Хулоса шуки, ҳали ҳам кеч эмас. Адолат тикланиши, бекорга азият чекканларнинг елкасига офтоб тегиши, халқни менсиматганлар, қонунни бузаётганлар эса жиловланиши керак.

Саминжон СУЛТОНОВ,  
"Ишонч" мухбири.



## КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

ДЕХҚОН  
ТАШВИШИ

ДЕХҚОН бир чимдим уруғни қалб кўри, меҳр тафти билан парваршлаб, кўзда хирмон-хирмон ҳосил ундиради. Ёз кушининг жазирама-си-ю кузнинг изгирилари унга пинд эмас. Бинобарин, Наманган вилояти агроаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари кўмитаси тармоқдаги сувчи ва механизаторлар соғлиғини муҳофаза қилишга катта эътибор бермоқда. Бу йил 1080 киши кўп имкониятлардан баҳраманд бўлишди.

Утган йилнинг охири ва 1995 йилнинг бошларида 700 сувчи ва механизатор вилоятдаги "Лола", "Ирригатор", "Наврўз" шунингдек, Наманган абори-газламалар бирлашмаси, Косонсой шойи тўкиш фабрикаси ва вилоят газлаштириш бошқармасига қарашли санаторий-профилакторийларда ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаб олдилар.

Соғломлаштириш, овқатлантириш ва маданий дам олишни ташкил этиш тадбирлари билан боғлиқ харажатлар касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан қопланади.

ЖАМОА  
ШАРТНОМАЛАРИ  
АҲАМИЯТИ

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш босқичида жамоа шартномаларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Шу масала бўйича Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгашида ўтказилган семинар-кенгашида таъкидланганидек, мулкчилик шакллари ўзгариши ва хусусий мулкчиликнинг юзага келиши ёлланма ишчилар ҳуқуқлари, уларга бериладиган конституцион кафолатлар бузилмаслиги назоратини касаба уюшма ташкилотлари зиммасига юкланаяпти. Бу вазифани бажариш иш берувчилар билан жамоа шартномаларини тузиш бўйича музокаралар ўтказиш ва амалга оширишга эришишдан иборатдир.

Семинар-кенгашида шу мавзуда ўз маърузалари билан чиққан фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мудири Жўраҳон Воҳидов, ҳуқуқ бўлими мудири Петр Шапошников, меҳнат муҳофазаси бош йўриқчиси Юнусхон Юсуповлар бу борада олдинда турган вазифаларга кенг тўхталдилар. Шунингдек, касаба уюшмалари ҳаётидаги ўзгаришлар ва янгиликларга оид маълумотлар ҳам берилди.

Наманган шаҳридаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, савдо, маиший хизмат ва барча идора ҳамда муассасалар қошидаги бошланғич касаба уюшма Кўмиталарининг раислари, раҳбар ходимлари, мутахассислар иштирок этган шундай йўналишдаги анжуманларни барча туманларда ўтказиш кўзда тутилган.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,  
"Ишонч" муҳбири.

ИНСОН ҳаётида меҳнатнинг ўрни қанчалик юксак эканлиги тўғрисида жуда кўплаб езилган. Ҳақиқатдан ҳам меҳнат, меҳнатсеварлик барча жамиятда ва барча динда ҳам ҳурмат қилинган, мақталган фазилатдир. Зеро меҳнат инсонни таъмағирлик, биронинг кўлига қарам бўлиш, биронинг топганидан умидвор бўлишдан ҳалос этади. Меҳнат қилган меҳнатни қадрлайди, жисмонан соғлом бўлиш билан бирга, топган мол-дунёсини беҳудага сарфлашдан сақланади.

Меҳнат қилган энг муҳими жамияти, Ватани равақига муносиб улۇш қўшган ҳисобланади ва ўзининг жамиятда ўрни борлигини доим ҳис этади. Меҳнат ҳақида гап юритилар экан, унинг қанчалик муҳим ва ҳаётий зарурлиги тарихдан маълум. Жумладан, Одам алайҳиссалом ҳам деҳқончилик билан шуғулланганлар, ўзлари ер ҳайдаб, уруғ сочиб, дон етиштирганлар, Нух алайҳиссалом эса дурадгор бўлганлар.

Мусулмонлар отаси бўлиши Иброҳим алайҳиссалом базозлик қилиб мато сотувчилик билан шуғулланганлар. Довуд алайҳиссалом темирчилик билан шуғулланиб, совут ва қалқонлар ясар эдилар, да-рахт новдасидан сават тўкиганлар ва шу йўл билан ўзларига ҳалол ризқ-рўз топганлар.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Зеро, Аллоҳ Таоло ўзининг муборак китобида ибодатдан сўнг ризқ-рўз йўлида меҳнат қилишга буюриб шундай марҳамат билдиради: "Намоз ўқилиб бўлингач, ер юзи бўйлаб, тарқалинганлар ва Аллоҳни фазлидан меҳнат билан ризқ талаб қилинганлар." Бу оятдан ҳам маълумки, меҳнат, касб билан шуғулланиш ҳам Аллоҳ буйруғи, ибодати экан. Бу хулосани Абу Ҳурайра томонидан зикр қилинган қуйидаги сўзлар ҳам қувватлайди. "Пайғамбаримиз марҳамат қиладилар: "Ҳуноҳларнинг ичида шундайлар борки, уларга фақат тирикчилик йўлидаги ташвиш ва ғамиргина кафолат берувчи бўла олади".

Баъзи салаф солеҳ (ўтган солеҳ)лар масжидга боғланиб

қолишдан кўра меҳнат қилишни афзал ҳисоблаганлар. Абу Калоба доимо масжидда одамлар хайри-эхсонига кўз тикиб ўтирувчи инсонга: "Биродар, сенинг тирикчилик билан шуғулланишинг масжид хужрасида одамларга кўз тикиб ўтиришингдан

бўйича кечалари сайр этишида давом этаверибди. Шундай кечалардан бирида уни кимлардир ушлаб олиб, уйга олиб кириб кетишибди. Ертўлага тушиб, қўл оёғини боғлаб қўйишпти. Подшоҳ танг аҳволда. Ўзини танитай деса ишонишмайди,

зарур экан. Лекин ҳозирги кунда кўпчилик, айниқса ешлар осонлик билан пул топиш йўлига тушиб, ўзларини савдога урмоқдалар. Натижада, ишлаб чиқаришда, дала ишлари, илмий соҳаларда, тарбиявий масканларда ишлайдиганларнинг сони камайиб кетмоқда. Ваҳоланки, жамият учун, унинг ривож ва равнақи учун бу соҳаларнинг ҳар бирида етарлиқ кишилар бўлиши зарур. Шунинг учун барча жабҳаларда мутахассисларнинг кўп бўлиши шарияти исломияда фарзи кифоялардан ҳисобланади. Яъни қайси бир соҳа тўхтаб қолиб, бошқа томонга ҳаракат бошланса, охири яхши бўлмайди.

Бундан ташқари ҳар кимни ўз қобилияти ва ота мерос касби бор. Савдогарлик билан шуғулланганининг ҳаммаси ҳам бойиб кетавермайди. Аксинча, бор-бурдидан айрилиб, бутунлай ўтириб қолиши ҳам мумкин. Шундай экан, аввало ҳар бир шахс ўзига бир назар солсин, қани унда қайси соҳага мойиллик бор, ота-боболари нима билан шуғулланган? Ана шунга қараб, ҳаракатда бўлсин. Ана шундангина иншооллоҳ, ишлари юришиб кетади.

Ҳатто шундай ривоят ҳам борки, ота касби энг паст касблардан бўлса ҳам у билан астойдил шуғулланганга Аллоҳ барака ато этади, бахт инъом қилади. Шу сабабдан ешларимизга айтмоқчиман: "Азиз укаларим, сингиллар вақтни ганимат билинг, бирон хунар орттириб, касбли бўлишга, илм йўлига киришга интилинг. Хунар ва илм бўлса — дунё, бойлик ўз-ўзидан келаверади. Аммо бугунча беш танга топанам деб фурсатни бой берган охир-оқибат кейинги ҳаёти барибир қийинчилик билан ўтади. Шу сабаб пайғамбаримиз марҳамат қиладилар: "Аллоҳ Таоло еш бўлиб, бекорик бўлган кишини ёмон кўради". Меҳнат—меҳнатнинг тағи роҳат деб, бежиз айтмайди халқимиз.

Меҳнатсеварлик ҳақидаги гапимизни яна Расулulloҳнинг "Сизларни энг ҳалол еган таомларинг ўз меҳнатларинг, пешона терларинг билан еганларинг..." деган ҳадиси мубо-раклари билан тугатамиз.

Илҳомжон Ҳожи АСАТИЛЛО ўғли  
Тошкент вилояти,  
Чиноз тумани-  
даги Эски Тошкент  
масжиди имомхатиби.

МЕҲНАТНИНГ  
ТАҒИ РОҲАТ

афзалдир" деганлар.

Ҳақиқатдан ҳам, меҳнат, хунар, касб кишини улуглайдиган ва ҳатто ҳар қандай қийин шароитда ҳам омон қолишига сабаб бўладиган воситалардандир. Шу ерда бир дониш ҳикояси ёдимга тушди. Ривоят қилинишича, ўтган подшоҳлардан бири кечалари кийимини ўзгартириб, фуқаролар ҳол-аҳволидан хабар олиб турар экан. Ушундай сайрлардан бирида у бир хонадонда гўзал кизга кўзи тушиб қолибди. Эртаси кун унга совчилар юборибди. Киз эса, совчиларни қайтариб юбориб, билинларчи, у кишининг қандай хунарлари бор экан дебди.

Подшоҳнинг бундан бироз ғазаби кўзгади-ю, лекин ўзини босиб, унга айтинганлар, шохликнинг ўзи унга етмасмикан дебди. Киз бу гал ҳам шохлик хунар эмас — мансаб, мен хунарини сўраган эдим, агар, у хунари бўлмаса рози эмасман, дебди. Подшоҳ қанчалар ғазабга минса ҳам тишини-тишга қўйибди-да, азбаройи ошпик бўлганидан қизнинг шартини бажаришга мажбур бўлиб, гилам тўқувчига шогирд тушибди.

Кўп ўтмай яхшигина уста бўлиб етишибди. Чиройли гилам тўқиб, совчилар билан қизниқига жўнатибди. Орада катта тўй ҳам бўлиб ўтибди. Подшоҳ яна одати

ишонишганда ҳам ўзларидан кўрқиб ўлдириб юборишди. Ноилж ўша ерда бир қанча вақт қолиб кетибди.

Маълум бўлишича, у одамлар шаҳар оралаб, баъзи бир адашиб юрган мусофирларни ушлашар, шу ерга олиб келишиб уларнинг гўштидан сомса қилиб сотишар экан. Подшоҳга навбат келганда, у уй эгасидан бир оғиз гап гапиришга ижозат сўраб, депти, "Агар мени гўштимдан сомса қилиб сотсаларинг бир оз фойда кўрасиз. Менинг шундай хунарим борки бундан сизларга катта-катта фойда тушади. Яъни катта гилам тўқиб бераман, уни подшоҳ саройига олиб бориб сотсаларинг хоҳлаган бахонингизни беришди.

Буни эшитган "жаллод"ларнинг кўнгли юмшаб, рози бўлишибди. Подшоҳ гиламини ўзи тушиб қолган жойни ифодалаб тўқиган экан.

Гиламини кўрган малика подшоҳнинг қаердалигини англаб етибди ва уни қиммат баҳога сотиб олибди. Шу заҳотиёқ соқчилар юбориб, подшоҳ ва бошқа маҳбустларни озод этибди-да, золимлар қўлга тушибди. Саройга соғ-омон қайтган шох ёш маликадан хунар ўрганишга мажбур қилгани учун умр бўйи миннатдорлигини билдирибди.

Шу ривоятдан ҳам кўриниб турибдики, меҳнат ва касб ҳар бир кишига

## ОИЛА ҚУВОНЧИ

1944 йилнинг декабрида Белоруссия ўрмонидаги солдат ертўласида икки еш — Алексей билан Таисаларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтганди.

Орзиқиб қўтилган ғалабадан сўнг Оҳангарон шаҳрида яшаган Коршуновлар икки ўғил бир қизни воёга етказдилар, неваралар кўришди. Яқинда уруш ва меҳнат фахрийси, собик жангчи А. Коршунов "Жасорат" медали билан тақдирланди. Собик жангчи Ватанимиз юксак мукофоти топширилиши кунинда улар турмуш курганликларининг 50 йиллик тўйлари ҳам нишонланди. Хонадон соҳибларини кўшалоқ байрам билан Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги, вилоят муҳофаза бўлими вакиллари, фахрийлари табриқладилар.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Бу ҳафта ичи содир  
бўлажак ходисалар мунаж-  
жимлар таъбири бўйича  
қуйидагича:

ДАЛВ (20.01.—18.02.) ойда таваллуд топганлар учун бу ҳафта омадли келади. Тузилган барча режалари бўйича иш бошлайверишлари мумкин. Бу кунларда бошиқларнинг ҳузурда кириш ҳам яхши натижа беради. Муҳаббат борасида омадлари юришади. Оилада ҳам катта қувончли воқеалар содир бўлади. Ота-она ва қариндош-уруғлар ҳолидан хабар олиш ва уларни эслаш эришилажак омадларнинг кафолати ҳисобланади.

ҲУТ (19.02. — 20.03.) ойда туғилганлар учун бу ҳафта нахс аралаш келиши кўтилади. Шартнома ва битимлар тузишни тўхтатиб турган маъқул. Атроф-теваракдагилар билан хушмуомалада бўлмақ, ҳеч кимнинг кўнглини оғритмаслик керак. Ҳафта охирида режалаштирган ишларини бошлайвериш мумкин. Лекин ҳафта давомида ичкилик ичишдан воз кечмоқ талаб этилади. Акс ҳолда нохушликлар бошга тушиши ҳеч еш эмас.

ҲАМАЛ (21.03 — 21.04.) ойда туғилганлар учун ҳафта ичи оила билан дам олиш, қариндош-уруғларниқига бориш, яхшилар билан суҳбат қуриш, бева-бечораларга хайри-эхсон қилиш кўп манфаат келтирур.

САВР (22.04. — 20.05.) ойда туғилганлар бу ҳафта ичи бор неча бор қувончли ҳодисалар шохиди бўлишади. Бу воқеалар унинг шахсан ўз ҳаётида, иш жойида еки яқин кишилари ҳаётида бўлиши мумкин. Эришиладиган молиявий омад ҳам шу кунларга тўғри келади. Ҳар қандай иш юзасидан ҳар кимга мурожаат қилинса, ноумид бўлмайдилар. Лекин елгон гапириш, биронини ғийбат қилишдан, биронга ҳасад билан қарашдан сақланмоқ даркор.

ЖАВЗО (21.05. — 21.06.) ойда туғилганлар учун бу ҳафта омадли келиши кўтилади. Узаро шартнома тузишлар, савдо-сотиққа сармояларини ишга солишлар, илмий ишларга қўл уришлар, хизмат сафарига чиқишлар, дам олиш, бошиқлар ҳузурда бўлиб, иш битиришлар учун қўлай фурсатлар туғилади.

САРАТОН (22.06. — 22.07.) ойда фарзандлари учун бу ҳафта нахс келиши кўтилади. Шунинг учун натижаси номалум ишларга қўл урмаган маъқул. Савдо-сотиқ умуман, пул билан боғлиқ юмушлардан айроқ бўлиб туриш мақсадга мувофиқдир. Иложи борича таниш-билишлар ҳолидан хабар олиш, яқин-йироқнинг кўнглини кўтариш, уларга моддий ердам кўрсатиш билан ўзи нохушликлардан фориг қилиш мумкин.

АСАД (23.07 — 22.08.) ойда фарзандлари бу ҳафта кўп жиҳатдан муваффақиятларга эришадилар. Ҳар

## Илми нужум талқинлари

қандай ишга ғайрат-шижоат билан киришаверган маъқул. Улар бир неча ойлик миқдорда даромадга эга бўлишлари мумкин. Бу кунлари узоқ-яқинлари билан дийдор кўришиб, беҳисоб қувончларга эришишлари кўтилув. Ишхонада мартабалари юқоридалиши еки маошлари ошиши ҳам шулар жумласидандир.

СУНБУЛА (23.08. — 22.09.) ойда туғилганлар учун ҳафта ичи кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келади, аммо натижаси кам бўлиши кўтилади. Бу иш жойида

юз берса, оила ва шахсий ҳаётини қувончли воқеаларга эришилади. Ҳафта ичи оила билан дам олишлар уюштириш, дўстлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, ота-она-

МУНАЖЖИМЛАР  
ТАЪБИРИ

ни зиерат қилишлар маъқулдир.

МЕЗОН (23.09 — 22.10.) ойда туғилганлар бу ҳафта ичи ҳам қувончли, ҳам кулгили ҳолатларга дуч келишлари кўтилув. Бу кунлар шартнома ва битимлар тузиш, янги ишлар бошлаш, хизмат сафарларига чиқиш юзасидан маъсул кишиларга мурожаат этиш яхши натижа беради. Бундан ташқари қадрдонлар билан қўтилмаган учрашувлар содир бўлиши мумкин. Аммо ичкилик, бузуқчиликка берилиш билан тескари натижаларга эришилади.

АКРАБ (23.10 — 21.11.) ойда туғилганлар учун бу ҳафта омадли келур. Улар катта даромадга эга бўлишлари, бошиқлар ишлари юришиб кетиши, зиммаларига топширилган катта оғирликдан қўтилишлари, тўхмат ва бўҳтондан ҳалос бўлишлари мумкин. Лекин ўзлари пок-ҳалол бўлмоқликлари зарурдир. Бу ҳафтада бева-бечораларга, етим ва муҳтожларга ердам қилиш чўзиш аини мудоабидир.

ҚАВС (22.11. — 21.12.) ойда туғилганлар бу ҳафта иш жуда эҳтиёткорлик билан ўтказмоқлари зарур. Бошлаган ишларини тўхтатиб, режалари бўйича ҳисоб-китоб қилиб олганлари маъқул. Хизмат сафарларини ҳам янаги ҳафтага қолдиришса ёмон бўлмас. Ходимлар бошиқлар дашномларидан, бошиқлар эса ходимлари назаридан узоқроқ туришлари мақсадга мувофиқдир.

ЖАДДИ (22.12. — 19.01.) ойда фарзандлари бу ҳафта ичи ўзларининг кундалик ишлари билан машғул бўлишлари маъқул. Улар иложи бўлса вақтларини кўпроқ китоб мутлоаси билан ўтказсалар, фарзандлари тарбияси билан машғул бўлсалар хўп яхшидир. Шунингдек, ота-онани ҳам зиерат қилиш, қариндош-уруғлар билан борди-келдини тиклаш ҳам хўп ҳосилдир.



Тошкентдаги 2-юқумли болалар шифохонаси жамоаси еш авлодини дардан ҳалос этишда ўзларининг бор билим ва малакаларини ишга солмоқдалар. Бунда ўрта тиббий ходимларининг хизмати айниқса катта бўлмоқда.

Суратда: ҳамширалар Муаззам Қаландарова билан Шоира Ҳолиқовалар беморга навбатдаги муолажани қўймоқдалар

Даврон АХМАД олган сурат.



## ФЕВРАЛЬ — МАРТ

## ДУШАНБА, 27

## ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Имкониятлар ишга солинганди".  
18.30 "Инсон ва қонун".  
18.55 Ўзлонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.20 Ўзлонлар.  
19.25 Театрда премьераси. М. Бафоев, С. Жўра. "Севги нидоси".  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Ўзлонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.55 Ўзлонлар.  
21.00 "Бош мезон".  
21.45 "Санъатга бахшида умр". Халқ артисти Лутфиқоним Саримсоқова.  
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Муҳаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси.  
28-қисм (Миср Араб Республикаси).  
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

## ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:  
18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ".  
19.00 "Ҳамшаҳарлар" видеоканали:  
— "Юзма-юз".  
— "Оқ қутича".  
— "Менинг маҳаллам".  
21.00 Хор куйларидан концерт.  
21.20 "Шоҳсуна сари".  
21.50 — 23.05 Буюк Ғалабаининг 50 йиллиги олдидан. "Миндан бир илож". Бадий фильм.

## ЎзТВ III

## ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".  
19.55 "Тадбиркорлик мактаби".  
20.25 "Ешлик" студияси. "Эъзоз".

## "ОМАД" таништиради:

21.00 "Совға".  
21.30 "4/8". Мусикий кўрсатув.  
21.45 Жаҳон географияси.  
22.35 Ўзлонлар.  
22.40 Видео — "О".  
00.25 "Курьер".  
00.45 "... яна об-ҳаво ҳақида".  
00.55 "Постфактум".  
01.05 — 01.25 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

## "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳаммаининг тилида".  
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".  
18.50 Янгиликлар.  
19.00 "Тигиз пайт".  
19.30 "Шадлод Роза". Телесериал (Мексика).  
20.00 "Сиз кимсиз?".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 "Время".  
21.40 А. И. Солженицин билан учрашув.  
22.00 — 23.05 "Олтин шлагер". Полад Булбул ўғли.

## СЕШАНБА, 28

## ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Нафосат оламида". Кинодастур.  
9.40 Футбол. "Пахтакор-79". Хотира турнири.  
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.  
11.00 "Талаба ва спорт".  
11.20 Ўзбек куйларидан концерт.  
12.00 Немис тили.  
12.20 "Ешлик" студияси. "Эзуликка интилиб...".  
12.55 — 14.55 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

## \*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Мультфильм.  
18.20 Асқад Мухтор. "Умр".  
18.35 Буюк Ғалабаининг 50 йиллиги олдидан. "Жангларда янграган қўшиқлар".  
18.55 Ўзлонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.20 Ўзлонлар.  
19.25 "Кино ва замон".  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Ўзлонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.55 Ўзлонлар.  
21.00 "Мен буюк юрт ўғлидурман". Адабий кўрсатув.  
21.45 "Хофизлар хонини қилганда".  
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Муҳаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси.  
29-қисм.  
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

## ЎзТВ II

## "ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультикарусель".  
18.55 "Хайвонот дунёсининг сирлари".  
19.45 Янгиликлар.  
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадм".  
20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.  
20.35 Видеоид.  
20.55 "Теле-ателье-шоу".  
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.  
21.45 "Кинонигоҳ".  
23.25 — 23.45 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

## ЎзТВ III

## ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".  
19.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.  
20.15 "Дурдарин" телекомпаниясининг кўрсатувлари.  
21.15 "Умид" (уйғур тилида).  
21.55 Тошкент Давлат университетининг 75 йиллиги олдидан. "Қалбим қури". Профессор Ш. Оразимбетов ҳақида теле-

очерк.  
22.25 Ғалабаининг 50 йиллиги олдидан. "Ўзбекистон — қадрон уйимиз".  
23.05 — 23.35 "ТВ-портрет". "Самарқандлик табиркор".

## "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

## \*\*\*

18.00 "Рус олами".  
18.30 "СБ" жумбоги.  
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ю. Власов.  
18.50 Янгиликлар.  
19.00 "Тигиз пайт".  
19.30 "Шадлод Роза". Телесериал.  
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 "Время".  
21.40 "Илк манбадан".  
21.50 — 22.20 "Тол".

## ЧОРШАНБА, 1

## ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

## \*\*\*

9.00 "Унутилган ўйинлар". Телесериал.  
9.15 "Қуллол ва хумча". Бадий фильм.  
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.  
11.00 "Ешлик" студияси. "Талабалик йилларим".  
11.40 "Алифбо сабоқлари".  
12.10 "Ҳуқуқингизни биласизми?".  
12.30 Инглиз тили.  
13.00 "Фахрийлар — фахримиз".  
13.50 — 14.25 "Китоб ва ҳаёт".

## \*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Сиҳат-саломатлик".  
18.40 Спорт хабарномаси.  
18.55 Ўзлонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.20 Ўзлонлар.  
19.25 "Нон таъми".  
19.40 "Баҳор нашидаси". Мусикий кўрсатув.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Ўзлонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.55 Ўзлонлар.  
21.00 "Зулфия ижодхонасида".  
21.40 "Ватанин семмоқ йимондандур".  
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. "Муҳаммадур Расулulloҳ". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси.  
30-қисм.  
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

## ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:  
18.30 "Мультикарусель".  
19.00 "Бумеранг".  
19.30 "Жонли тил".  
20.30 "Мусикий меҳмонхона".  
21.30 — 23.10 "Кинематограф".

## ЎзТВ III

## ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".  
19.55 "Хазинамиз таянчи".  
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

## "ОМАД" таништиради:

21.20 — 00.20 "Спорт қитъаси".  
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

## \*\*\*

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.  
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. С. Бандера.  
18.50 Янгиликлар.  
19.00 "Тигиз пайт".  
19.30 "Шадлод Роза". Телесериал.  
19.55 Э. Радзинский. "Тарих жумбоқлари". "Россиядаги фитначилар". 1-қисм.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 "Время".  
21.40 "Монолог".  
21.50 Э. Радзинский. "Тарих жумбоқлари". "Россиядаги фитначилар". 2-қисм.  
22.30 — 22.45 "Инсон ва қонун". Махсус кўрсатув.

## ПАЙШАНБА, 2

## ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

## \*\*\*

9.00 "Баҳор мўъжизалари". Бадий фильм.  
10.30 "Қафолат".  
11.00 "Ешлик" студияси. "Тафаккур".  
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.  
12.00 "Созимда севги васфи". Концерт.  
12.30 "Болалар меҳмонхонаси".  
13.00 "Сизга таъзим".  
13.40 — 15.40 "Маърифат" видеоканали.

## \*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Алифбо байрами".  
18.40 "Ҳиллол" студияси. "Авто плюс".  
18.55 Ўзлонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.20 Ўзлонлар.  
19.25 "Нигоҳ".  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Ўзлонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.55 Ўзлонлар.  
21.00 "Ташаббус". Кўрик-танлов якуналарига доир.  
21.30 "Мумтоз этгали келдик". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Курбонов ижросида классик ашулалар.  
22.15 "Бешинчи руқ". "Ҳажнома". Хужжатли-бадий фильм премьераси.  
23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

## ЎзТВ II

## "ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.  
18.35 "Жозиба".  
18.55 "Бир шингил хангома".  
19.05 "Ишингиз бароридан келсин".  
19.20 "Муҳаббатга ошно қалблар".  
19.40 "Теле-ателье-шоу".  
19.50 Видео янгиликлари.  
20.15 Янгиликлар.  
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.  
21.05 "Кинонигоҳ".  
22.45 — 23.05 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

## ЎзТВ III

## ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".  
19.55 "Ислохот ва муаммо".  
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.  
21.15 "Ешлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари".  
21.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.  
22.05 — 23.05 "Дурдарин" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

## "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

## \*\*\*

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".  
18.30 "Миниатюра".  
19.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Жон Френч.  
18.50 Янгиликлар.  
19.00 "Тигиз пайт".  
19.30 "Шадлод Роза". Телесериал.  
20.00 "Қишлоқ ҳаёти". Ю. Черныченко билан.  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 "Время".  
21.40 "Москва. Кремль".  
22.00 — 23.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. "Барселона" (Испания) — "Пари Сен-Жермен" (Франция). Испаниядан кўрсатилади.

## ЖУМА, 3

## БУГУН — ИЙД РАМАЗОН ҲАЙИТИ!

## ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Мафтунингман". Бадий фильм.  
10.25 Футбол. "Пахтакор-79". Хотира турнири.  
11.15 "Ешлик" студияси. "Бир ўлка-ки...".  
12.05 "Дил тароналари". Концерт.  
12.35 "Бола бопидан...".  
13.15 "Хотира". Турсун Собиров.  
13.55 — 15.55 "Нурли келажак". Видеоканал.

## \*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Шукрона".  
18.45 "Бу ҳаёт — жасоратдир". Телесериал.  
18.55 Ўзлонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.20 Ўзлонлар.  
19.25 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак".  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Ўзлонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.55 Ўзлонлар.  
21.00 "Маърифатнома".  
21.40 "Мақом кечаси".  
22.20 "Абдуллажон". Бадий фильм.  
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

## ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:  
18.30 "Учқун".  
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".  
19.30 "Билиб қўйган ахши".  
19.55 "Халқ саломатлигини йўлида".  
20.40 — 22.00 "Келин". Бадий фильм.

## ЎзТВ III

## ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".  
19.55 "Ешлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".  
20.45 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

## \*\*\*

"ОМАД" таништиради:  
21.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.  
21.45 "Панорама".  
22.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.  
22.25 "Даракчи".  
22.35 Ўзлонлар.  
22.40 Видео "О".  
00.20 — 00.40 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

## "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

## \*\*\*

18.00 "Инсон ва қонун".  
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".  
18.50 Янгиликлар.  
19.00 "Бомонд".  
19.20 "Шадлод Роза". Телесериал.  
19.50 "Мўъжизалар майдони".  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 "Время".  
21.40 "Ҳафтанинг машҳур киши".  
22.00 — 23.05 "Детективлар клуби" да.  
"Машҳур детективлар". Бадий фильм.  
2-фильм — "Ўғирланган хат".

## ШАНБА, 4

## ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Мен бир қизни учратдим". Бадий фильм.  
10.30 "Футбол майдонларида".

10.50 Чустий. "Индамаслар диери".  
11.15 "Оламини асранг!".  
11.45 Болалар учун. "Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб".  
12.25 "Ешлик баҳори".  
13.05 "Кўзгу".  
13.35 — 14.05 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.

## \*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 Мультфильм.  
18.10 Ўсмирлар учун. "Умид учқунлари".  
18.40 Спорт хабарномаси.  
18.55 Ўзлонлар.  
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.20 Ўзлонлар.  
19.25 "Санъат олами".  
20.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.25 Ўзлонлар.  
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.  
20.55 Ўзлонлар.  
21.00 "Эъзоздаги қўшиқлар".  
21.50 "Ешлик" студияси. "Умид".  
22.50 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).  
23.00 "Тунги ерду". Дам олиш кинодастури.

## ЎзТВ II

## "ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультикарусель".  
9.25 "Хайвонот дунёсининг сирлари".  
10.15 Янгиликлар.  
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадм".  
10.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.  
11.05 Видеоид.  
11.25 "Теле-ателье-шоу".  
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.  
12.15 "Кинонигоҳ".  
13.55 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").  
14.15 — 18.30 "Спорт қитъаси".

## \*\*\*

"Тошкент" студияси таништиради:  
18.30 Болалар учун. "Табассум".  
19.10 "Антенна".  
19.40 "Пульс". Хабарлар.  
19.55 "Осийишта бўлсин хонадонингиз".  
20.55 "Ҳар соҳадан бир шингил".  
21.15 "Гладиаторлар". Спорт-шоу дастури.  
21.55 — 23.35 "Кинематограф".

## ЎзТВ III

## ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Эсдалик учун дастхат". Б.Тохтамунов.  
10.30 "Айчурек" (қирғиз тилида).  
11.05 "Ғаитида учрашамиз". Бадий фильм.  
12.35 "Мусикий саҳнат".  
13.05 — 13.45 "Дўстларимиз планетаси".

## \*\*\*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".  
19.55 "Истиклол ва мафкура".  
20.25 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".  
21.05 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".  
21.30 Шарқ қўшиқлари.  
22.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.  
22.15 "Замандас" (қозоқ тилида).  
23.05 "Бу ажиб дунё".  
23.25 — 23.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

## "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 "Бахтли тасодиф".  
18.45 "Улкан сайера".  
19.40 "Бешинчи бурчак". Телесериал.  
4-серия ("Қоламбия пикчерс").  
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 "Время".  
21.45 "Кайн ва Авель". Телесериал. 4-серия ("Қоламбия пикчерс").  
22.35 — 23.15 "Оба-На".

## ЯҚШАНБА, 5

## ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Д.Д.Д. ва бошқалар". Спорт тележурнали.  
10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".  
10.30 "Шоҳруҳ" клуби.  
11.00 "Халқ ижодиети". Оилавий ансам-

бллар телевизион фестивали.  
11.30 "Темир эркак". Бадий фильм.  
12.45 "Цирк! Цирк! Цирк!"  
13.35 — 15.05 Абдулла Орипов. "Жаннатга йўл". Телеспектакль.

## \*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 Мультфильм.  
18.10 "Қўшиғим, жон қўшиғим".  
18.55 Ўзлонлар.  
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).  
19.30 Ўзлонлар.  
19.35 "Ойнаи жаҳонда...".  
19.55 "Саодатли сайёралар". Киноқўрсатув.  
20.25 Ўзлонлар.  
20.30 "Ҳафтанома".  
21.00 Ўзлонлар.  
21.05 "Офарин-94". Замонавий ўзбек эстрада санъати танлови голибларининг концерти.  
22.05 "Бобби". Бадий фильм (Ҳиндистон). 1 — 2-сериялар.  
00.45 — 01.15 "Ҳафтанома".

## ЎзТВ II

## "ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.  
10.05 "Жозиба".  
10.25 "Бир шингил хангома".  
10.35 "Ишингиз бароридан келсин".  
10.50 "Муҳаббатга ошно қалблар".  
11.10 "Теле-ателье-шоу".  
11.20 Видео янгиликлари.  
11.45 Янгиликлар.  
11.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.  
12.35 "Кинонигоҳ".  
14.15 — 14.35 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

## \*\*\*

17.00 "Совға".  
17.30 "4/8". Мусикий кўрсатув.  
17.45 Жаҳон географияси.  
18.35 Ўзлонлар.  
18.40 Видео — "О".  
20.20 Ўзлонлар.  
20.25 "Курьер".  
20.45 "... яна об-ҳаво ҳақида".  
20.55 "Постфактум".  
21.05 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").  
21.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.  
21.35 "Панорама".  
22.05 "Компьютер-Осие".  
22.35 Ўзлонлар.  
22.40 "Кимга қанақа?".  
2



Келдиёр Эшонқулов Қашқадарь вилояти, Яккабоғ тумани, Жуман Мехдиев номи жамоа хўжалиги ҳудудида таваллуд топган. Ҳозирги кунда Тошкент агрегат заводида чилангарлик вазифасида ишлайди. Шеърятга ҳаваси баланд. Ўн йилчадан бери машқ қилиб келади. Унинг қуйидаги "Ўзбекистон" шеъри ilk бор нашр этилмоқда. Албатта, бу шеърда тажрибали, шеърятда кўзи пишиб, қалами чархлиниб қолган шоирлар ижодидагидек теран фикрлар, фалсафий мушоҳадалар, тасвирий бўёқлар, жим-жимдорликлар етарли бўлмаслиги мумкин. Ишчиға ҳос оддий сўзлар билан равои мисраларда қалбида жўш урган туйғусини рўй-рост тўкиб солган, холос. Энг муҳими унда шеърятга меҳр бор, шоирона мулоҳаза юртишиға интилиш бор. Ана шуларни инobatга олиб, газетхонларимиз мазкур шеърдаги айрим камчиликларини кечириш билан ёш шоирнинг ижодий парвозига оқ йўл тилашар, деган умиддамиз.

## ЎЗБЕКИСТОН

Онажоним сочларим силаб шоир ўғлим деса эркалаб Менинг ундан ўзга нима бор, ўтажакман ватанин куйлаб, Орзуларим боғда сабога, хон атласи гўзал зебога Оқ олтини тухфайи олам доврўг солди бутун дунёга Қушлар севар мовий осмонни, мен севаман Ўзбекистонни.

Аму, Сир, Зарафшон, ёлдор тоғлари бор қорли сервикор Фахрланса арзийди халким ҳар воҳаси ажойиб гулзор. Зебу-зийнат олмиш диёрим афсонавий ўша жаннатдан, Дилдан жўшиб айтмаса бўлмас, ерларидир саҳий унумдор. Қушлар севар мовий осмонни, мен севаман Ўзбекистонни.

Она юртим буюкларини мен айтайн, сен мендан сўра Ёруғ юлдуз дин оламида Ат-Термизий, Алихон Тўра, Ким истамас бир бор кўрмоқни Регистону шоҳи Зиндани, Улуг ёши асрларга тенг ёки Қўқон ёки Хивани, Қушлар севар мовий осмонни, мен севаман Ўзбекистонни.

Ўзга юртга кўниқолмайман, сенсиз юрак торин чалмайман Чикқанимда далаларингга севинчларим яширолмайман. Ҳофиз у Комилжон номдор, Ражабий у улуг бастакор, Ёруғ юлдуз шеър осмонида Увайсию Нодираси бор. Қушлар севар мовий осмонни, мен севаман Ўзбекистонни.

Бобо деҳқон миришкорлари оқ олтиндан хирмон яратур, Тароватли гўзал боғлари ҳар томонга атрин таратур. Тўйларида айтилуғ ёр-ёр, кучоғида ҳамиша баҳор, Бири санам, бири Зубайда қизлари бор ажойиб дилдор. Қушлар севар мовий осмонни, мен севаман Ўзбекистонни.

Бепоендир гўзал майдони, юксакка бўй чўзсин хирмони, Фарзандиман, орзу истагим кенг мусаффо бўлсин осмони. Тоғларида каклик яйрасин, тошдан тошга оху сакрасин, Кувонтириб шайдо дилларни боғларида булбул сайрасин. Қушлар севар мовий осмонни, мен севаман Ўзбекистонни.

Илк бор бошим она тупроққа қўйгунимча куйлаб ўтаман, Тоғларию гул боғларини такрор-такрор шеърға битаман. Мен булбулман, шудир чаманим, орзулардир учқур саманим, Сўрасалар сўзлайман мағрур шу диёрдир менинг ватаним. Қушлар севар мовий осмонни, мен севаман Ўзбекистонни.

Келдиёр ЭШОНҚУЛОВ.

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ


Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи етакчи ходимаси, филология фанлари доктори, Ғарб адабиёти билимдони Фозила Комиловна Сулаймоновага яқинда Франциянинг республикамиздаги элчиси жаноб Жан-Поль Везиан ўз ҳукумати номидан Пальма академияси зобити нишонини топширди. Бундан сал илгари ана шундай юксак мукофотга Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Галина Анатольевна Пугаченкова сазовор бўлган эди.

\*\*\*

Филология фанлари доктори, профессор Ҳафиз Абдусаматов 70 ёшга тўлди. Драматургия соҳасида таниқли тадқиқотчи олим йиғирмадан зиёд салмоқли илмий асарлар, юзлаб мақолалар муаллифи, ўнлаб фан номзодлари ва докторлари устози ҳисобланади.

Айниқса домланинг "Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида", "Яшин", "Ҳаёт, адабиёт, театр каби асарлари адабиётшунос-ликда салмоқли ўрин тутати.

"Ишонч" муҳбири.



Хива шаҳри тарихий обидалари, бетакрор кўрк-кўркамлиги билан оламга машҳур. Дуненинг турли бурчагидан келиб, зиёрат қилувчиларнинг кети узилмайди ҳар кўни. Мағрур қад тиклаган осмонлар миноралар, нақшкор бинолар, мафтункор афсонавий саройлару девор-тошдан ўзоқ-ўзоқ нигоҳ узолмайдилар, уларни яратгувчи инсоннинг снотати олдида лол қолиб, ҳайратда ёқа тутадилар, янги бир беқиёс олам ичра сайр-саёҳатда ҳис қиладилар ўзларини.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОЖЛАР

### КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

Хонқа дон маҳсулотлари комбинати 1995 йилнинг январь ойидан бошлаб аҳоли учун ҳар хил турдаги макарон маҳсулотлари ҳамда чорва ҳайвонлари учун турли хил омукта-ем маҳсулотларини чегараланмаган миқдорда хоҳлаган корхона, ташкилот, хўжаликлар билан шартномалар асосида савдо-харид қила бошлади.

Аҳолининг ўзлари билан эса комбинат қошида ташкил қилинган "Олтин бошоқ" давлат савдо-харид ишлаб чиқариш корхонаси юқорида кўрсатилган маҳсулотларни савдо қилапти.

Бу маҳсулотлар рецептура баҳолари асосида сотилади. Харид пул ўтказиш еки комбинат учун керакли товарлар бўлса алмаштириш орқали амалга оширилади.

Аҳоли билан харид нақд пул орқали амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган маҳсулотларни харид қилмоқчи бўлган корхоналар, ташкилотлар, жамоа фермер хўжаликлар, хусусий еки кичик корхоналар ҳамда якка шахслар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Хоразм вилояти, Хонқа шаҳри, Хонқа дон маҳсулотлари комбинати. М. Горький кўчаси, 64-бино.

Телефонлар:  
91-136, 93-873,  
91-056.

Ўзбекистон кўмир саноати ходимлари қасаба уюшмаси Республика кўмитаси аппарати тугатилади. Даволат эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

"ЛИМ М" кичик корхонаси тугатилади. Даволат эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир

Сандакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Абдуманноп АЛИМБОВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Тургунбой МАДИЁРОВ,  
Тургун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,  
Муҳайё ТУЛАГАНОВА,  
Ратно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,  
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36  
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89  
• Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79  
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63  
• Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ  
МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ  
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10  
Бухорода — 3-50-10  
Гулистонда — 2-24-98  
Жиззахда — 2-31-41  
Навоийда — 3-52-99  
Наманганда — 6-22-10  
Нукусда — 2-44-46  
Самарқандда — 35-64-22  
Термизда — 2-70-07  
Тошкентда — 56-82-79  
Фарғонада — 4-28-29  
Урганчда — 6-03-40  
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва сураатлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нархда.

• Жума кунлари чиқади.

• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:

Тожибой АЛИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат кўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-0076

1 2 3 4 5 6

## СИНЧКОВЛИГИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ



Мазкур бешта балиқчидан биттаси ортиқча. Ўша қайси бири?

6-сондаги "Қайси бири чапақай? бошқотирмасининг жавоби — Официант.

## ҚАРҒА ҚАНДАЙ ДАРАХТГА ҚўНАДИ?

- Профессор кеч соат 8 дан уйкуга ета туриб соатини эрталабки 9 да жиринглайдиган қилиб қўйди. Профессор неча соат ухлаган?
- Аҳмаднинг 10 бош қўйи бор. 8 тасидан бошқаси ўлиб қолса, қанча қўй қолади?
- Австралияда 7 ноябрь бўладими?
- 30 еки 31 рақами билан тугайдиган ойлар бор. 28 рақамли ойлар ҳам борми?
- Ота ва ўғил автомобиль ҳалокатиға учрашди. Касалхонада ота вафот этди. Ўғил етган жароҳлик хонасига кирган хирург: "Бу менинг ўғлимку!" — деган. Шундай бўлиши мумкинми?
- Қўлларингизда 10 та бармоқ бор. Ўнға қўлда неча бармоқ бўлади?
- Археологлар эраимиздан аввалги 35-йилда зарб қилинган тангани топишган. Шундай бўлиши мумкинми?
- Нух пайгамбар туфон маҳали ўзи билан жониворлардан жуфт олганми еки тоқ?
- Эркак киши ўз бевасининг сингласига уйланиши мумкинми?
- Врач беморга учта укол езиб бериб, ҳар ярим соатда биттадан олиши буюрди. Уччала уколни олиш учун қанча вақт керак?
- 0 дан 100 гача бўлган сонлар ичида неча тўққиз рақами бор?
- Сўкка бош тунги қоровул кундузи вафот этди. Унга пенсия тайинланадими?
- Етита шам ениб турибди. Уларнинг учтаси ўчиб қолди. Нечта шам қолади?
- Узун ёғочни 12 таға бўлиш учун неча марта арралаш керак?
- Нотаниш бўлмаган гира-шира хонаға кириб қолдингиз, қаршингизда иккита, газли ва лампа мойли шамдон турибди. Олдин нимани ёқасиз?
- Москвадан Петербург томон поезд йўлга чиқди. Айни шу маҳал Петербургдан ҳам Москвага томон поезд жўнади. Биринчи поезднинг тезлиги иккинчи поезднинг тезлигидан уч барабар кўп. Улар йўлда учрашганда қайси поезд Москвадан узокроқда бўлади?
- Битта гиштининг оғирлиги 1 килограмму яна яримта гиштга тенг. Гиштининг оғирлиги қандай?
- Дарё остида қандай тош бўлмайди?
- Ёмғир ёғиб турганда қарға қандай дарахтга қўнади?